Январь 2018

**Тиббиётда IoT-технологиялар:** Инсон умрини узайтириш имконияти жуда яқин 13-бет



4 (1322)-son
26-yanvar
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

**ЯНГИЛИКЛАРДАН ВОҚИФМИСИЗ?**
АКТ вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди **2-бет**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ АКМ:**
Янги бинода кунига 2000 китобхонга хизмат кўрсатилади **3-бет**

**УЧ ФАХРИЙГА УЧ САВОЛ**
Улар бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни қандай баҳолайдилар **4-5-бетлар**

**ЛУЧШАЯ ПРАКТИКА**
"Дайте мне точку опоры, и я переверну мир" **6-бет**

**ТАФАККУР ЎЙИНЛАРИ**
Сунъий интеллект айтганингизни чизади **12-бет**

**Ўзбекистонликлар қайси ижтимоий тармоқларда фаол?**

| Ижтимоий тармоқ | Ойлик аудиторияси |
|---|---|
| Ok.ru | 2 000 000 |
| Vk.com | 1 000 000 |
| Instagram | 890 000 |
| Facebook | 720 000 |
| Linkedin | 130 000 |




Intarget.uz



# Саидафзал ҚУЛМАМАТОВ: "ҲАЁТГА ДОИМ ЯНГИЧА ИЖОДИЙ НАЗАР БИЛАН БОҚИШ КЕРАК"

Ахборот технологиялари чеклов ва тўхтов нима эканлигини буткул унутиб қўйди. Биз бугун ўрганаётган ва фойдаланаётган технологияларимиз эртага эскириб қолмоқда. Дастурлар хилма-хиллиги эса кундан-кунга ортиб боряпти. Кўпчилик ахборот технологиялари дейилганда маълум технологияни ёки компютерда терилган қандайдир кодлар кетма-кетлигидан ташкил топган дастурлар мажмуасини тушунади. Ҳа, бу бир томондан қараганда тўғри. Аммо, ахборот технологияларининг янада кўплаб биз унчалик эътибор бермайдиган имкониятлари борки, ундан баъзи бир инсонларгина фойдалана олади. Бугунги суҳбатдошимиз айнан АТ соҳасида таҳсил олаётган, унинг имкониятларидан унумли фойдаланаётган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг изланувчан ва ижодкор талабаларидан бир Саидафзал ҚУЛМАМАТОВдир. **7-бет.**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## ХОРИЖЛИКЛАР "MIRZO ULUGBEK INNOVATION CENTER" ТАЖРИБАСИГА ҚИЗИҚИБ ҚОЛИШДИ

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) штаб-квартирасида 26-Иқтисодий ва экологик форум доирасида биринчи тайёргарлик учрашуви бўлиб ўтди.

Форумга 60 мамлакатдан вакиллар келди. Қатнашчилар орасида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва "Mirzo Ulugbek Innovation Center" (MUIC) вакиллари ҳам бор.

"Мен АКТ вазирлиги ва "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказидаги ҳамкасбларим қаторида Ўзбекистон, унинг инвестициявий салоҳияти ва сўнгги йилларда эришган ютуқлари, жумладан, АКТ соҳасидаги натижаларини тақдим этиш шарафига муяссар бўлдим, — деб ёзади "Фейсбук"даги саҳифасига "Mirzo Ulugbek Innovation Center" директори Фарҳод Ибрагимов. — Ўз тақдимотимда MUIC, фаолият йўналишларимиз, қўйилган бу вазифаларни уддалаш учун давлатимиз яратиб берган шарт-шароитлар ҳақида батафсил сўзлаб бердим. Сессия раиси, Австриянинг ЕХҲТдаги доимий миссияси ваколатли вазири жаноб Андреас Штадлер мамлакатимизнинг ва АКТ соҳамизнинг юқори суръатларда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади".

Фарҳод Ибрагимовнинг қайд этишича, тақдимот якунлангач, кўплаб делегатлар марказни ташкил этиш тажрибасига қизиқиш билдиришган: "Австрия, Италия, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари билан мулоқотда бўлдим. Айниқса, инвестициявий жозибадорликни ошириш инфратузилмасини яратиш учун мамлакатимиз раҳбарияти амалга ошираётган ишлар уларда катта таассурот қолдирди".

## Big Data ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАДИ

### ёхуд Салмоқли маълумотнинг салмоғи қанча?




Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Жаҳон банкининг Ўзбекистонда хусусий сектор фаолиятини ўрганаётган махсус гуруҳ вакиллари билан учрашув бўлиб ўтган эди. Учрашувда Ўзбекистон томони Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатда "электрон тижорат", "салмоқли маълумот" (Big Data), шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа замонавий тенденцияларини жорий қилиш бўйича таклиф билан чиқди.

Хўш, биз учун янги атама бўлган Big Data ўзи нима? Бугунги мақоламизда ушбу саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

**11-бет.**

## Жумадан жумагача

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 январ куни Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида 19-20 январ кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди. Ташриф доирасида вилоят иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга оид қатор истиқболли лойиҳалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан учрашиб, уларнинг ўй-фикрлари билан қизиқди, ҳаётий таклифларини эшитди, мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда ҳал этиш юзасидан топшириқлар берди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига кўра, Қозоғистон Республикасининг Оқтўба вилояти Иргиз туманида "Самара-Чимкент" автомобил йўлида автобус ёниши оқибатида ҳалок бўлган 52 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси оилаларининг барчасига бир марталик нафақа ажратилди.**

Грузия Парламенти раиси И.Кобахидзе бошчилигидаги делегация 2018 йил 20 январ куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида, шунингдек, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида учрашувлар, музокаралар ўтказди. Уларда Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январ куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқотларда давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва анъанавий яқин ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор таъкидиладилар.**

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари чоп этилди.

# ЯНГИЛИКЛАРДАН ВОҚИФМИСИЗ?

**Президент фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди**




Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 22 январ куни "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Мазкур фармон билан беш бўлимдан иборат Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгилаб берилди. Дастур доирасида 37та қонун (Сайлов кодекси, "Давлат хизмати тўғрисида", "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида", "Фан тўғрисида", "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Фармон билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда, фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.

Яна бир муҳим янгилик – вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд тураржойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатимизнинг исталган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истиқболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, тураржойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар. Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд тураржойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарликдан озод этилади. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискаси бўлмаган фуқаролар ҳам иккиламчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини электрон савдо майдонлари орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора кўриши шарт бўлади.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Бунгача бу вазифа Иқтисодиёт вазирлиги зиммасида эди.

Шунингдек, вазирлик Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий киритиб боришни назарда тутувчи махсус электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳамкор ташкилотлар билан назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузилишлар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли масканларида мобил давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобил алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш сингари вазифаларни амалга оширади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида:

- чекка ҳудудларда **2000 километр** оптик толали алоқа линиялари тортиш;
- интернет тезлигини **10 баробар** ошириш;
- **4 мингдан** зиёд мобил алоқа таянч станцияларини ишга тушириш мўлжалланган.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга жами

**11,2**

триллион сўм ва

**1,3**

миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.


Ўзбекистоннинг амалдаги биопаспорти босқичма-босқич муомаладан чиқарилади, ўрнига ID-карта жорий этилади.







## Сурхондарё вилоят АКМ:

# Янги бинода кунига 2000 китобхонга хизмат кўрсатилади

Шу йилнинг 20 январ куни Адиб Собир Термизий номидаги ахборот-кутубхона маркази биноси фойдаланишга топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Айтиш ўринлики, кутубхонанинг 1936 йилда бунёд этилган эски биноси кунига борйўғи 32 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлган. Бу ерда 20 нафар китобхон учун жой ажратилган ҳамда 10 дона компютер мавжуд эди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобига бунёд этилган янги бино эса ҳар куни 2000 нафар китобхонга хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга. Замонавий компютер ва ахборот-кутубхона технологиялари билан жиҳозланган марказ вилоятнинг илмий-таълимий ривожи, кадрлар тайёрлаш салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Замонавий қулайликларга эга компютер залида бир вақтнинг ўзида 36 нафар, Wi-Fi ҳудудида 90 нафар, умумий ўқув залида 50 нафар, ҳуқуқий ахборот залида 24 нафар фойдаланувчи учун ўринлар кўзда тутилган.

Шу билан бирга, янги бинода 16 ўринга мўлжалланган ўқув маркази ҳам мавжуд. Бу ерда вилоят АКМ ва АРМ ходимлари малака оширишлари, вилоят аҳолиси ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқишлари мумкин.

Кутубхона ҳудудида қаҳвахона, китоб дўкони фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Ахборот-кутубхона маркази фойдаланувчиларнинг ахборот олиш маданияти бўйича билимларини ошириш, илмий-услубий ва инновацион усулларда хизматлар кўрсатиш учун барча зарур инфратузилмага эга.

## Давлат фелдъегерлик хизмати

# ФАҚАТ ЎЗ МУДДАТИДА, ФАҚАТ ҚЎЛДАН ҚЎЛГА



**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Xabar" мухбири**

Махсус курерлик алоқаси неча минг йиллик тарихга эга? Бу саволга ҳатто тарихчилар ҳам аниқ жавоб бериша олмайди. Маълумки, қадимда ривожланаётган мамлакатлар ички ва ташқи хат-хабарларни етказишда хабарчилар, чопарлар хизматидан фойдаланган. Ва ўшандаёқ курерлик хизмати қанчалик муҳим бўлиши билан бирга, шунчалик мураккаб ва хавфли ҳисобланган. Шу боис, энг муҳим маълумотни етказишга масъул одамлар қадрланган, хизматлари юқори баҳоланган. Вақтлар ўтди, даврлар ўзгарди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг глобал тараққиёти ва жорий этилиши асри бошланди. Интернет, электрон почта пайдо бўлди, аммо, энг муҳими, фелдъегерлик хизмати ўз аҳамиятини йўқотиб қўймади.

Давлат фелдъегерлик хизмати ходимларининг иш тамойиллари ҳамон ўша-ўша: ёзишмалар олувчига аниқ ўз вақтида, хавфсизлик ва қўлдан қўлга анъанаси асосида етказилади.

ДФХ ходимлари ҳам республика ичида, ҳам ҳукуматлараро даражадаги ёзишмаларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва керакли манзилга етказиб беришни амалга оширади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг юқори органларига, шунингдек, ички ишлар, суд органлари, прокуратура ва бошқа кўплаб давлат ташкилот ва муассасаларига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу хизмат ходимлари шарофати билан олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари ўтказиладиган куни тест материаллари аудиторияларга, сўнгра эса тест натижалари Давлат тест марказига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Шу билан бир қаторда, Марказий сайлов комиссиясига сайлов тадбирларини ўтказишда яқиндан ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

> **“Давлат фелдъегерлик хизмати ходимларининг иш тамойиллари ҳамон ўша-ўша: ёзишмалар олувчига аниқ ўз вақтида, хавфсизлик ва қўлдан қўлга анъанаси асосида етказилади”**

— Мустақилликнинг дастлабки йилларида фелдъегерлик хизматини сақлаб қолиш керак ёки керакмаслиги ҳақидаги савол ўртага ташланган, — дейди Давлат фелдъегерлик хизмати катта инспектори подполковник Миркамол Мирзагитов. — Чунки, иттифоқ парчалангандан сўнг унинг таркибидаги республикалар ўртасидаги алоқалар камайган, шу сабаб фелдъегерлик хизмати фаолияти ҳам тўхтаб қолган эди. Лекин, ДФХнинг ўша вақтдаги бошлиғи Комилжон Алимов бу хизматнинг ёш давлатимиз учун нақадар аҳамияти катта эканлигини исботлаб бера олган. Шу тарзда хизмат сақлаб қолинди ва тез орада унинг келажакдаги фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 январдаги қарори билан Алоқа вазирлигининг фелдъегерлик хизмати бошқармаси базасида Давлат фелдъегерлик хизмати ташкил топди.

Шу ўринда ўқувчида ҳақли савол туғилиши мумкин. Хўш, республикамизда ҳам мамлакатимиз ичида, ҳам дунё бўйлаб барча жўнатмаларни етказиб берувчи "Ўзбекистон почтаси" АЖ, қолаверса, унинг "Халқаро почтамт" филиали мавжуд бўлса, ДФХ ҳам уларнинг бир муқобилими ёки муҳим фарқи борми? Албатта, бор. Фарқи шундаки, бу хизмат Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис томонидан чиқарилган барча расмий ҳужжатларни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳукумат муассасалари, ички ишлар, миллий хавфсизлик, мудофаа органларининг интернет ёки электрон почта орқали жўнатиш мумкин бўлмаган жўнатмаларини Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларига, дипломатик ёзишмаларни эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида жуда тез вақтда ва жуда катта хавфсизлик таъминланган ҳолатда етказиб беради. Бунинг учун хизмат барча моддий-техник базага эга. Марказий бошқарма ва вилоятлардаги бўлинмаларда катта автопарк мавжуд. Ҳужжатларни қисқа муддатларда етказиш учун ДФХ "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Республика бўйича мазкур хизмат таркибида катта жамоа фаолият юритмоқда. Албатта, кадрларни танлаб олиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Айни дамда хизмат ички ишлар органлари ходимларидан ташкил топган ишчи-хизматчилар билан тўлдирилган. Лекин, уларнинг ҳар бири йилда бир қаттиқ тартибдаги имтиҳонлардан ўтказилади. Бунда уларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси, руҳий ва психологик барқарорлиги, шунингдек, хизмат давомида зарур бўлган бошқа махсус сифатлари, жумладан, ўқ отиш қуролидан фойдалана олиши, қўл жанги кўникмаси ҳисобга олинади.

Шубҳасиз, хизматнинг ёш авлодини тарбиялашда ДФХ фахрийлари ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Улар тез-тез бу ерга меҳмонга таклиф этилиб, алоҳида ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлишяпти. Ходимлар ўз устоз ва мураббийларини ҳеч қачон унутишмайди.

## Ўзбекистонда "Ҳудуд" ахборот тизими жорий этилади

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан "Ҳудуд" ахборот тизими татбиқ этилмоқда. Ушбу тизим ҳудудларга бириктирилган сектор раҳбарлари иш фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

22 январдан бошлаб мазкур ахборот тизимини жойларда жорий этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларда ҳудудларга бириктирилган сектор раҳбарлари учун ўқув семинарлари бошланди.

Семинарларда ҳудудларга бириктирилган сектор (ҳокимият, прокуратура, ИИБ, солиқ) раҳбарлари ва тизимга маълумотларни киритиб боришга масъул ходимлар иштирок этишмоқда. Унда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш ҳамда UZINFOCOM марказлари масъул ходимлари тизимдан фойдаланиш ҳамда маълумотларни киритиш тартиблари бўйича тушунчалар беришяпти.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан республика ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бириктирилган секторлар раҳбарларига юклатилган вазифалар бажарилишини енгиллаштириш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир сектор раҳбарлари планшет қурилмалари билан таъминланган.

Мазкур планшетлар ҳамда "Ҳудуд" ахборот тизими ёрдамида жойлардаги турли объектлар паспортлари (мактаблар, бозорлар, тиббиёт муассасалари, коммунал хўжалик, уларнинг ҳолати ва ҳоказолар), ҳодисалар (ҳуқуқбузарликлар, мурожаатлар сони ва бошқалар) тўғрисидаги ҳамда аҳолининг долзарб муаммоларини ечиш юзасидан маълумотларни киритиб бориш имкони яратилган.

Семинар жорий йилнинг 1 февралига қадар бутун республика бўйлаб барча вилоятларда ўтказилади.


Мирзо Улуғбек инновация марказига яна 57та резидент қўшилди ва жами аъзолар сони 204 тага етди.

# УЧ ФАХРИЙГА

**Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлигини турли йилларда бошқариб, соҳа ривожига муносиб улуш қўшган уч фахрий алоқачи – Комилжон РАҲИМОВ, Тоҳир РАҲИМОВ ҳамда Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВлар таҳририятимизда меҳмон бўлишди. Биз соҳанинг бугунги ривожи, эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишларини сўраб, эл ҳурматэъзозидаги уч фахрийга уч савол билан мурожаат қилдик.**

***— Бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни қандай баҳолайсиз ва қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?***



**Комилжон РАҲИМОВ, 1985-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими, Халқаро алоқа академияси аъзоси:**

— Юқори баҳолайман. Кейинги йилларда энг замонавий хориж технологиялари олиб келиниб, эскиларининг ўрнига қўйилди. Соҳа илғор фикрли, юқори салоҳиятли, чет тилларини биладиган, хориж тажрибасига эга раҳбарлар, зиммасидаги масъулиятни тўлиқ ҳис қиладиган мутахассислар билан таъминланди. Бу жуда катта ютуқ. Зеро, ҳар қандай соҳанинг ривожи ана шундай — ривожланишни дунё миқёсига олиб чиқиш учун ҳаракат қиладиган ва бунга эришишга қодир кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, мени анчадан бери ўйлантириб келаётган бир масала хусусида гапирмоқчиман. Хабарингиз бор, юртимизда 7 май санаси алоқачилар куни сифатида нишонланяпти. Бу радиони ихтиро қилган рус олими Александр Попов таваллуд топган кундир. Агар соҳа республикамиз мустақил бўлганидан кейин ривожлана бошлаганини ҳисобга олсак, Алоқачилар куни сифатида нишонлашга арзийдиган бир нечта муҳим саналар бор. Улардан бири 25 август. Бу кунга нима учун тўхталдим?

Боя айтганимдай, истиқлолдан кейин, тўғрироғи, 1992 йилдан технологиялар, аппаратуралар соҳасида инқилобий ўзгаришлар бошланди. Ўзбекистон алоқа вазири сифатида менга собиқ иттифоқ давридан қолган техникаларни замонавий хориж технологияларига алмаштириш вазифаси юкланди. Бу кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб иш эди. Негаки, шўролар даврида қайси хориж мамлакати билан гаплашиш керак бўлса, Москванинг рухсати билан амалга оширилар, ҳар бир сўзимиз улар назоратида эди. Назоратдан холи, мустақил алоқамизни ривожлантириш эса катта миқдордаги маблағни талаб этар эди. Нима қилиш керак? Инвестиция киритиш мақсадида бир нечта хориж мамлакатлари билан музокаралар йўлга қўйилди. Таклифимизга биринчи бўлиб Япония ҳукумати жавоб берди. Ва мен кунчиқар мамлакатга учдим. Музокаралардан сўнг японларнинг NEC компанияси билан шартнома тузилди. Улар бизга 140 миллион долларлик имтиёзли кредит беришди. Сўнгра Siemens, Daewoo, Alcatel компанияларининг қурилмалари келтирилиб, ўрнатилди. Аста-секин мобил компаниялар ҳам кириб кела бошлади.

> **“Алоқачилар куни сифатида нишонлашга арзийдиган муҳим саналар бор. Улардан бири 25 август”**

1992 йилнинг 25 августида республикамиз ҳаётида муҳим янгилик — Халқаро телефон станцияси ишга туширилиб, хориж билан биринчи алоқа амалга оширилди. Шу куни “Ўздунробита” компанияси, “Камалак” тижорий канали ҳам иш бошлади. Алоқачилар куни сифатида нишонлашга арзийдиган сана. Шундай эмасми?

Яна бир масала. Республикамизда почта соҳаси анча оқсаб қолди. Хориж давлатларида почта янгидан-янги хизматларни ишга тушириб, иш ўринлари йил сайин ошиб боргани ҳолда бизнинг почтамизда иш ўринлари қисқаргани юрагимга оғриқ беради. Почтадаги хизматлар қонунлаштирилиши зарур. Бу борада Қонунчилик палатаси депутатлари жиддий ўйлаб кўрсалар, яхши бўларди. Биргина мисол, вилоятлараро қатновчи таксичилар аҳолига почта хизматини кўрсатишяпти ҳозир: пул, буюм, ҳатто озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам элтиб беришяпти. Бу аслида почтанинг иши эмасми? Агар бу иш почтанинг бир тармоғига айлантирилса ва қонунлаштирилса, яхшигина даромад тепса, бўлади. Яхшилаб ўйлаб кўрилса, почта хизмати кўрсатишнинг шунга ўхшаш йўллари кўп.

Мен фахрий алоқачи сифатида соҳанинг залворли юкини ўз елкасига олган соҳамиз раҳбарларига, шунингдек, барча алоқачиларга мустаҳкам соғлиқ, катта ютуқлар тилайман.

***— Соҳадаги илмий ишларга қай даражада эътибор қаратиляпти, фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлиги қандай ташкил этилган?***



**Тоҳир РАҲИМОВ, 1995-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири бўлиб ишлаган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими:**

— 2008 йилнинг июл ойидан бери ўзим таҳсил олган жонажон маскан — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида “Телевидение ва радиоэшиттириш” кафедрасига мудирлик қиляпман. Талабаларни ўқитиш ва уларнинг билим олиш тизимлари замон талабига қараб жадаллашиб боряпти. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўқитиш бўйича ТАТУ таянч ўқув даргоҳи ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, ҳар йили камида 2500 бакалавр ва 200 нафардан ортиқ магистрлар ўқишни тугаллаб, республикамиздаги корхоналар-

# ТАРАҚҚИЁТ ТИРГАГИ

> ***Ўтган асрнинг 50-йилларида олий ўқув юртларига кириш учун талабани излаб юришган, талабгор ўқувчиларни қидириб топиш муаммо бўлган бўлса, ҳозир олий ўқув юртларига бир ўринга 8-10 нафардан талабгор бўляпти***

Илм-фан тараққиётисиз жамият ривожланмайди. Бу айни ҳақиқат, яъни исбот талаб этилмайдиган дилеммадир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Фанлар академияси ва умуман зиёлилар учун барча шарт-шароитларни яратиб, уларнинг руҳини кўтармоқда. Ушбу мадад ҳар бир ижодкорни енг шимариб меҳнат қилишга ундаяпти.

Илмга, тараққиётга вужудини бағишлаган олимлар, мутафаккирлар, алломаларимизнинг меҳнатлари самараси ила Ўзбекистон, ўзбек миллати дунё миқёсида оғиздан тушмай юрибди. Улуғбекдек олампаноҳ тахт турган жойда илмни афзал кўриб, яратган янгиликлари билан дунёни ҳайратга солган.

Тарихда бунга ўхшаш мисоллар кўп. Масалан, 1945 йили, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг журналистлар давлат раҳбарларидан уруш туфайли қандай талафотлар кўрилганини сўраганларида, улар кўплаб одамлар нобуд бўлгани, шаҳарлар вайрон қилингани ва ҳоказоларга доир ахборот берганларида, АҚШ президенти Гарри Трумэн эса “Иккинчи жаҳон урушидан олган фойдамиз – Германиядан 400 нафар физик олимни АҚШга кўчириб келганимиз бўлди”, деган экан. Бу урушдан сўнг АҚШнинг ривожланишида олимларнинг катта хизмати борлигидан дарак беради.

Давлатимиз олимларнинг меҳнат қилишлари учун ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бунинг ёрқин мисоли Фанлар академиясига сайлов ўтказиш йўлга қўйилганидир.

Ўтган асрнинг 50-йилларида олий ўқув юртларига кириш учун талабани излаб юришган, талабгор ўқувчиларни қидириб топиш муаммо бўлган бўлса, ҳозир олий ўқув юртларига бир ўринга 8-10 нафардан талабгор бўляпти. Демак, тараққиёт ўсган сари талаб ҳам ошиб бормоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Шунингдек, фан номзодлиги, фан доктори ва академиклик даража ва унвонларига бўлган талаблар ҳам ошиб бормоқда. Яъни, кимда хоҳиш, интилиш, иқтидор кучли бўлса, ғалабага эришади.

Сайловнинг очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиши ошкоралик ва демократиянинг ёрқин ифодасидир. Касбим машинасозлик технологияси ва технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқаришдир. Республикамизда 1970-1980 йилларда ушбу йўналиш жуда яхши ривожланиб борган. Ҳатто бир йўла “машинасозлик дискрет жараёнларни бошқариш”, “сифатни бошқариш”, “корхоналарни роботлаштириш” ва шу каби илмий лабораториялар ташкил этилган эди. Мен Ўзбекистон роботсозлик уюшмасининг раҳбари сифатида ҳамда заводларда роботларни қўллаш мақсадида таҳлилий ишларни олиб бориш учун махсус гуруҳ раҳбари сифатида фаолият кўрсатган эдим. Ўша вақтларда қатор машинасозлик заводларида муҳандислик марказлари ташкил этилиб, янги технологиялар жорий этилган. Тошкент трак-



АТ “Алоқабанк” ҳамда “UzDigital TV” МЧЖ ҳамкорликда рақамли ТВ қурилмалари истеъмол кредитини ишлаб чиқди.

# УЧ САВОЛ

га ишга жойлашмоқдалар. Илмий-педагогик ишларни давом эттириш учун ТАТУ докторантураси ҳам фаолият кўрсатяпти. Илмий педагогик ишларда, университетнинг барча профессор-ўқитувчи ходимлари фаол қатнашадилар. Ўтган 10 йил ичида ТАТУнинг барча кафедра лабораториялари замон талабига жавоб берадиган даражада қайтадан тикланди ва замонавий жиҳозлар билан тўлдирилди.

Университетимизнинг республика бўйича бешта — Нукус, Урганч, Самарқанд, Фарғона ва Қарши шаҳарларида филиаллари бор. Биз ТАТУ ва барча филиаллари ўқитувчилари ҳамма вақт Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг моддий ёрдамини ҳис қилиб турамиз.

Университетда катта ҳажмда илмий ишлар олиб борияпти. Фақат 2017 йилнинг ўзида фундаментал, инновацион ва хўжалик шартномалари бўйича 6 млрд. сўмдан ортиқ ишлар бажарилди. Шуларнинг ҳисобига 2017 йилда 18 киши илмий даража учун диссертация ёқлади. Улардан уч нафари фан доктори унвони олиш учун диссертация ҳимоя қилишди.

**“Ўтган 10 йил ичида ТАТУнинг барча кафедралари лабораториялари замон талабига жавоб берадиган даражада қайтадан тикланди”**

Корхоналарда 10дан ортиқ кафедраларимизнинг филиаллари очилган. Жумладан, Электромагнит мослашув маркази ҳамда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркаэида “Телерадиоэшиттириш тизимлари”, “Ўзбектелеком” АКда “Маълумотлар узатиш тармоқлари ва тизимлари”, “ЎзМобайл” филиалида “Мобил алоқа технологиялари” кафедралари фаолият юритяпти. Корхоналардаги етук мутахассислар эса университетимизга келиб, биз учун долзарб мавзуларда, шунингдек, ишлаб чиқаришга жорий этилган илмий ишлар натижалари ҳақида ҳам мулоқот дарслари ўтиб туришади. Университет билан корхоналар ўртасида шартномалар мавжуд.

Биз ҳимоя қилинган диссертациялар билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлигига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Масалан, Бахтиёр Раҳимовнинг “Оптик толали алоқа тизимлари асосида механик конструкцияларни назорат диагностикалаш усуллари” докторлик иши асосида яратилган қурилма “ТШТТ” филиалида жорий этилган. Шунингдек, Ҳабибулло Носиров, Анастасия Пузийларнинг илмий иши “РРТМ” ДУКда, Алишер Шаҳобиддиновнинг илмий иши эса “ЭМММ” ДУКда амалга оширилияпти.

Яқинда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ТАТУ дунёдаги 1000та нуфузли ўқув даргоҳлари ичидан муносиб ўрин эгаллаши лозимлиги ҳақида гапирди. Бу жуда катта вазифа. Ўйлайманки, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, албатта, шу марраға эришамиз.

***— Кейинги йилларда юртимизда телекоммуникация соҳасининг, жумладан, симли телефон алоқасининг ривожи ҳақида қандай фикрдасиз?***



Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, 1996-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири бўлган, “Моҳир алоқачи” унвони соҳиби:

— Аввало шундай жаннатмонанд юртда тинч-хотиржам умргузаронлик қилиб, фарзанд ва неваралар, шогирдларим ардоғида кексалик гаштини суриб яшаётганимга минг бора шукр қиламан.

Бугунги ривожланиш, кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқлар мени яна завқлантиради, кучимга куч қўшади. Соҳада бугун қўлга киритилаётган муваффақиятлар, шиддаткор даврга мослаб ташланаётган ҳар бир одимдан қувонаман.

Охирги йилларда давлатимиз томонидан ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига бирдай эътибор қаратила бошланди. Алоқа соҳаси эса бошқалардан анча илгарилаб кетди, назаримда. Телекоммуникация ҳамда ахборот технологиялари жадал ривожланяпти. Аҳолига халқаро, шаҳарлараро ва мобил алоқа, шунингдек, радио-телевидение хизматларини кўрсатиш борасида баъзи ривожланган мамлакатлардан ортда қолаётганимиз йўқ.

Юқоридаги хизматлар қаторида маҳаллий телефон тармоғига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти, рақамлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Лекин тармоқ ривожаланишига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам борки, кўпни кўрган фахрий алоқачи сифатида улар мени доимо ўйлантириб келади. Маҳаллий телефон тармоғи ривожини янада жадаллаштириш борасида айрим фикрларимни баён этмоқчиман.

Аввало шуни айтиш керакки, маҳаллий телефон тармоғи ривожи электр энергияси таъминоти билан чамбарчас боғлиқ. АТСлар узлуксиз энергия билан таъминлансагина, яхши ишлайди ва сифатли хизмат кўрсатилади. Лекин бу борада, айниқса, қишлоқлардаги аҳвол мақтагудек эмас. Бу борада “Ўзбекэнерго” раҳбарларининг эътибори жуда зарур.

Бугунги кунда республикамизнинг айрим вилоятларидаги маҳаллий тармоқларда тарқатиш, абонентлар тармоғини янгилаш ва рақамлаштириш талаб даражасида эмас. Баъзи жойлардаги аҳвол юртимизнинг бугунги чиройига асло ярашмайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудини мобил алоқа қамраб олган бўлишига қарамай, маҳаллий тармоқни сақлашимиз, ривожлантиришимиз ва рақамлаштиришимиз ҳар бирimizнинг касбий бурчимиз бўлмоғи лозим. Бу тармоқни ривожлантириш орқали барча замонавий хизматлар, жумладан, янги “ақлли шаҳар”, “хавфсиз шаҳар” каби хизматларни осонлик билан ҳал этиш мумкин бўлади.

**“Қувонарлиси, бугун соҳага кенг дунёқарашли, билимли, зукко мутахассислар, раҳбарлар кириб келишган. Шу сабаб, соҳа бундан кейин янада жадал ривож топишига тўла ишонаман”**

Менимча, шу каби муаммолар тармоқ раҳбарларига ҳам тинчлик бермаётган бўлса керак. Бу муҳим ишларни амалга оширишда уларга куч-қувват ва шижоат тилайман.

**Муборак МИРКАМОЛОВА**
**ёзиб олди**

## ёхуд 1ни 100га айлантириш учун нима қилиш керак?

тор заводида бунёд этилган роботсозлик мажмуасига шахсан Шароф Рашидов раҳбарлик қилган. Замон тақозоси билан кўплаб машинасозлик корхоналари фаолияти тўхтаб қолди. Ваҳоланки, ўз вақтида республикамиз машинасозлик соҳасидаги назарий ва амалий янгиликлар Москва, Тула, Саратов, Киев ва бошқа шаҳарлар корхоналарида татбиқ этилган эди. Шундай экан, “Нима учун машинасозлик саноати гуркираб ривожланиб кетмаган?” деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга жавоб қуйидагича: хориж мамлакатлари тажрибаси шу нарсадан далолат беряптики, илмий ғоя ривожи учун 1 доллар ажратилса, ўша ғоянинг муҳандислик ривожи учун 10 доллар ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун 100 доллар сарфланишини ҳаёт тақозо этар экан. Демак, ғоя ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, уни муҳандислик ишлаб чиқариш жараёни ва амалиётга татбиқ этиш учун керакли маблағ бўлмаса, ишлаб чиқариш кўнгилдагидек ривожланмайди. Иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлиб, бутунлай вайронага айланган Германиянинг қисқа муддатда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишининг асосий сабаби ҳам ишлаб чиқаришни амалда муваффақиятли жорий эта олганидир. Яъни, интеллектуал мулкнинг ривожланишига давлат даражасида эътибор берилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари байрамида сўзлаган нутқида саноатнинг, қишлоқ хўжалигининг гуркираб ўсиши учун илм ва фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб, мамлакатимиз келажаги ва унинг тараққиёти илмфан тараққиётига бевосита боғлиқ эканлигини жонкуярлик билан таъкидлаб ўтди.

**“Ғоя ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, уни муҳандислик ишлаб чиқариш жараёни ва амалиётга татбиқ этиш учун керакли маблағ бўлмаса, ишлаб чиқариш кўнгилдагидек ривожланмайди”**

Жамиятда илм ва билим деган тушунчалар мавжуд. Илм деганда ғоялар, турли гипотезалар, теоремалар, моделлар тушунилса, билим деганда ҳаётга татбиқ этилаётган ғояларни кўриб, синаб, унга ишонч ҳосил қилинувчи соҳа тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам илм, ҳам билим билан шуғулланувчи ташкилотлар мажмуасидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фақат илм билан шуғулланувчи олимларга биринчи даражали академик, билим билан шуғулланувчи олимларга иккинчи даражали академик унвонини бериш таклифини билдираман.

Сайловда ғолиб чиқиб, академиклик унвонига сазовор бўлган олимларни чин юракдан муборакбод этиб, уларга мамлакатимизнинг янада юксалиши йўлидаги машаққатли меҳнатларида муваффақиятлар тилайман.

**Неъматилла МЎМИНОВ,**
**техника фанлари доктори, профессор**


2019-2020 ўқув йилидан коллежларда 6 ойдан 2 йилгача таълим берилади.

К 80-ЛЕТИЮ ИСЛАМА КАРИМОВА

# ОСНОВАТЕЛЬ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА




Сегодняшние дни, как во всей стране, в соответствии постановлением Президента Республики Узбекистана «О праздновании 80-летия со дня рождения Первого Президента Республики Узбекистан, выдающегося государственного и политического деятеля Ислама Абдуганиевича Каримова» в образовательных учреждениях, трудовых коллективах, махаллях нашей области проводятся различные мероприятия.

Частности, в нашем центре состоялся «круглый стол» по теме "Ислам Каримов – основатель независимого Узбекистана". В нем помимо сотрудников библиотеки участвовали студенты Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологии, учащихся Ургенчского профессионального колледжа нефти и газа, а также, представители областных Кенгашов народных депутатов, Союза молодежи Узбекистана.

Выступившие перед собравшихся директор ИБЦ Рахимбой Курбонов, председатель областного отдела «Нуроний» Маткарим Жуманиёзов, пресс-секретарь областного хокимията Шухрат Маткаримов и другие говорили о неоценимых заслугах Первого Президента Узбекистана Ислама Каримова в обретении республикой независимости, обеспечения поступательного развития страны. Отмечалось, что благодаря мудрой и дальновидной политике Ислама Каримова Узбекистан превратился в мощное государство, занявшее достойное место в международном сообществе, народ продолжает жить в мире и безопасности и по сей день. Он был великим государственным деятелем, возглавившим страну в сложный период ее становления и через глубокие политические, экономические и социальные реформы выведшим республику на путь процветания во имя благополучия народа. Произведения, наставления и вся его жизнь и деятельность являются огромным источником знаний и примером для молодежи Узбекистана. Мы все всегда будем чтить светлую память Ислама Абдуганиевича Каримова.

В завершении участники «круглого стола» ознакомились развернутой в читальном зале библиотеки тематической выставкой, посвященной жизни и деятельности Ислама Каримова.

**Иззатжон МАТСАПАЕВА,**
**заведующая сектором правовой информации Хорезмского областного ИБЦ**

ЛУЧШАЯ ПРАКТИКА

# "ДАЙТЕ МНЕ ТОЧКУ ОПОРЫ, И Я ПЕРЕВЕРНУ МИР"

***Вдохновившись успехами одноклассников, другие ребята решительно намерились стать следующими участниками онлайн-олимпиады***

Учитывая современные требования к общеобразовательному школьному процессу в основу угла каждого учителя-предметника должна выставляться чёткая схема действий, рассчитанных на эффективное действие доступности и восприимчивости его педагогических методов обучения, в особенности это касается новаторского подхода, использовании его личных методов и наработок.

Работая преподавателем информатики не первый год, могу с уверенностью сказать, что это один из самых интересных, и даже необходимых, в общем перечне школьных предметов. С гордостью могу констатировать тот факт, что учебное учреждение областного центра города Навои, школа 13 обладает большим педагогическим потенциалом, так как педагогический коллектив в большинстве своём состоит из креативных, творческих и энергичных кадров, делающих образовательный процесс увлекательным и соответствующим реалиям современного мира.

Вот яркий пример, буквально на днях ученики школы, впервые участвовавшие в международной математической онлайн-олимпиаде «Потомки Пифагора», были удостоены высшей оценки и награждены дипломами, сертификатами и благодарственными письмами.

Я сделала попытку став инициатором участия моих учеников в этом популярном проекте. За годы своей профессиональной деятельности я накопила внушительный опыт участия в различных онлайн-олимпиадах и применила его на практике. Можно сказать, вдохнула жизнь в знаменитые слова другого великого математика Архимеда «Дайте мне точку опоры, и я переверну мир».

В своих учебных разработках я руководствовалась задачей предложить принципиально новые способы мотивации учеников к изучению предмета. Используя прогрессивные подходы в обучении, основываясь на нестандартных, реальных и интересных математических задачах. Я надеюсь, что наши начинания в ближайшем будущем сделают обучение более понятным, а самое главное, сблизят с учениками.

Вдохновившись успехами одноклассников, другие ребята решительно намерились стать следующими участниками онлайн-олимпиады. Эта волна эйфории и желание проверить свои силы передались и учителям. К примеру, учитель химии Гавхар Маматова уже стала участником предложенного в рамках проекта разработчиком вопросника по химии и получила диплом первой степени.

— Здорово, когда ты можешь проверить свои знания на другом уровне, — говорит обладательница диплома за 2-место Шахризода Абдиназарова. — Оценить и сравнить свои возможности и потенциал с ровесниками из других стран. Эта победа придала мне уверенность в себе, можно сказать, открыла новую дверь в моей жизни.

На награждение были приглашены и родители участников олимпиады, которые искренне радовались за детей. «Для меня победа дочери Айлы стала неожиданным, но очень приятным подарком», — говорит Динара Шарипова. — Таких конкурсов для младших классов у нас практически нет, и ребята не могут в полной мере себя реализовать. Конкурс едва завершился, а Айла уже предложила миллион идей, как мы будем заниматься с ней дома, вместе решать задачи. Такой бурной энергии и желания учиться я у неё ещё не видела.

— Я была ошеломлена тем, что моя Карина приняла участие в олимпиаде по математике, да еще и заняла 3-место, — поддерживает разговор Феруза Тураева. — Этот предмет у нас, мягко говоря, никогда не числился в любимых. Теперь, я уверена, всё изменится. Спасибо нашей учительнице за то, что мой ребёнок получил возможность полюбить этот сложный, но необходимый и интересный предмет.

**Нилуфар ШАРИФЖОНОВА,**
**учительница информатики школы 13, г.Навои**

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

# UZMOBILE не повышает цены

Подводя итоги ушедшего 2017 года, филиал UZMOBILE АК «Узбектелеком» хочет поделиться достижениями и успехами, победами и новыми перспективными проектами:

■ Абонентская база UZMOBILE по двум стандартам связи насчитывает более чем 1,5 млн. абонентов;

■ Непрерывно ведется построение и расширение сети UZMOBILE GSM с внедрением технологий 2G/3G и 4G. Сеть 4G уже доступна во всех областных и районных центрах республики;

■ Активно развивается сеть пунктов продаж торговых представителей и офисов продаж и обслуживания филиала по всей стране;

■ В рамках выполнения пунктов Государственной программы «Года диалога с народом и интересов человека» филиал UZMOBILE одним из первых предоставил услугу «Общение с народом». Благодаря этому сервису абоненты сети GSM получили бесплатный доступ на государственные веб-сайты;

■ В областных центрах и районах проведены выездные встречи с действующими и потенциальными абонентами. Благодаря мероприятиям под общим названием «Общение с народом» и предложениям участников, был реализован ряд проектов, направленных на улучшение качества обслуживания потребителей и эффективности работы всего национального оператора связи;

■ В целях поддержки подрастающего поколения и создания благоприятных условий для развития потенциала молодежи, филиалом UZMOBILE внедрен социально- ориентированный ТП «Yoshlar». Данный тарифный план, инициированный филиалом совместно с Союзом молодежи Узбекистана уже обслуживает сотни молодых людей во всех уголках страны, выбравших качественную связь по доступной цене;

■ На базе Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий (ТПКИТ) состоялась презентация социальных IT-программ. С целью создания системы контроля полного цикла подготовки учащихся были анонсированы такие проекты, как: «Smart Education», «Educard», «Muloqot.tv» и «Gap»;

■ 2017 год стал знаковым для тех, кто действительно ценит свое время. У потенциальных и действующих абонентов UZMOBILE появилась возможность подключиться к национальному оператору связи не выходя из дома. Также для удобства потребителей была внедрена услуга, предоставляющая безграничные возможности покупок в интернет-магазине Arba.uz;

■ В рамках повышения лояльности и корпоративного духа среди сотрудников отрасли связи был введен новый специальный тарифный план для сети UZMOBILE GSM. Теперь сотрудники более 40 предприятий, входящих в структуру Мининфокома могут общаться по более выгодным условиям.

Филиал UZMOBILE АК «Узбектелеком» — Национальный оператор связи. Его главной социальной составляющей деятельности является всесторонняя поддержка абонентов, в том числе путем разработки и внедрения тарифных планов для всех категорий населения. С заботой о каждом из своих абонентов, развивая политику лояльности: оператор в настоящий момент оставляет действующие размеры абонентской платы на всех тарифах стандартов GSM и CDMA, без изменений.



# Саидафзал ҚУЛМАМАТОВ: “ҲАЁТГА ДОИМ ЯНГИЧА ИЖОДИЙ НАЗАР БИЛАН БОҚИШ КЕРАК”

◀ 1-бет.

**— Саидафзал, университетда таҳсил олиш мобайнида фотографлик билан ҳам шуғулланиб келяпсиз. Айтингчи, таълим ва ижодкорлик бир-бирига боғлиқми?**

— Ҳа, албатта. Сабаби таълимда, энг аввало, мутолаа, билим олиш тушунилса, ижодкорлик ўша билимларни амалда қўллаган ҳолда иқтидорни намойиш қилишдир. Қанча кўп билиминг бўлса, яъни китоб мутолаа қилсанг, шунча кўп креативлик (яратувчанлик) ошиб боради. Дунёқарашимиз, оламни ва одамни тасаввур этишимиз, нафақат ботинда, балки зоҳиримизда ҳам намоён бўла бошлайди. Шу сабаб таълим ва ижодкорлик бир-бирига боғлиқ, деб биламан.

**— ТАТУда кўп ёшлар дастурчи бўлишни хоҳлайди, сиз эса...**

— Бунга қизиқишим ёшлигимдан бошланган, оилавий ўтиришларимиз, турли хил тадбирлар менсиз ўтмасди. Чунки ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини муҳрлаб боришни яхши кўраман. Дадам ҳам ижодкор инсон, креативлик ва ижодга қизиқишим шундан бўлса керак.

Талабалик барча орзуларим ушалишига сабабчи бўлган, десам муболаға бўлмайди. Сабаби ўқишга кирганимдан сўнг университетимизнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасини юритиш менга топширилди. Бу катта ишонч эди. Шу вақт орасида университетимизнинг ижодкор ёшларидан ташкил топган BeCreative жамоаси билан танишдим (бу жамоа бугунги кунда INTV номи остида юртимиздаги илк интернет-телеканал сифатида фаолият юритиб келмоқда). Бу лойиҳа ўзимни кашф қилишимга янада катта имконият яратиб берди. Ушбу жамоа лойиҳасида суратга олиш ишларини ўрганиш билан бир қаторда, ўз устимда ҳам ишлаб боряпман. Ҳа, албатта, атрофимда дастурлашни мукаммал ўзлаштирган курсдошларим бор, ҳатто, олимпиада ғолиблари билан таҳсил оламан. Бу қандайдир маънода умумийлик! Улардан ажралиб турадиган жиҳатим бўлишини хоҳлайман ва бунинг учун доим изланаман.

**— Асосан қайси мавзуларда сурат оласиз ва олишни хоҳлайсиз?**

— Портрет жанридаги суратлар ишлашни, фоторепортажлар тайёрлашни ёқтираман. Шу билан бирга, филмларга постерлар яратишга қизиқишим баланд. Одамларнинг ички дунёсини кўзида, юзида акс эттириш жуда мароқли! Бу менга илҳом бағишлайди! Одамларни ўзлари билмаган ҳолда суратга олишни ёқтираман ва бу одатда оддийликдан гўзал ҳиссиётларни яратади. Орзуимга келадиган бўлсак, у жуда ҳам кўп. Шулардан бири — дунё бўйлаб саёҳат қилиб, турли ирқдаги одамларни суратга муҳрлаш.

**— Сураткашликнинг ҳам қийинчиликлари бўлса керак?**

— Албатта, ҳар ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари, осон томонлари бўлади. Шу билан бирга фотографликнинг ҳам. Бир куни тонг отишининг ҳар бир

*Атрофимда дастурлашни мукаммал ўзлаштирган курсдошларим бор*



*“Дастурчи”. С.Қулмаматов олган сурат.*



*“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи”. С.Қулмаматов олган сурат.*

сониясини суратга олиш истаги билан Чимён тоғларига бордим, ёз бўлишига қарамай ҳаво совуқ ва керакли ракурсни танлаш қийин бўлган, лекин ўша куни мақсадимга эришиб уйга қайтгандим (севиниб суратларни кўрсатди).

**— Сураткашлик билан ҳам яхшигина даромад қилса бўлади. Айниқса, жаҳоннинг шунга ихтисослашган интернет бозорлари бор.**

— Ҳа, албатта, бу соҳада яхшигина даромад топиш мумкин. Ҳозир ҳар бир соҳада ахборот технологиялари иштирок этмоқда. Бу билан шуни айтмоқчиманки, суратларни ҳозирда интернетда ҳам сотишимиз, харид қилишимиз мумкин. Бунга мисол қилиб EyeEm.com, shutterstock.com ва бошқа айнан суратлар сотадиган интернет дўконларини мисол қилишим мумкин. Ўзим ҳам бир неча маротаба ушбу интернет дўконларига ишларимни жойламоқчи бўлганман. Аммо, уларнинг ҳам ўзига яраша стандартлари бор. Шу сабаб ишларим қабул қилинмаган. Ҳозир шуни ўрганиш жараёнидаман. Юқорида қайд этиб ўтган сайтлар мутлақо хавфсиз ва хизматлари лицензияланган. Бу дегани яхши суратлар олсангиз, ҳам ўз муваффақиятларингизни таъминлайсиз, ҳам яхшигина даромад қилиб оласиз. Бунинг учун компютер графикаси имкониятларидан унумли фойдалана олсак бас!

**— Интернет-дўконда қайси мавзулардаги суратларни тарғибот қилган бўлардингиз?**

— Тарихий, яъни миллий тарихимиз акс этган суратларни тарғиб қилишни истайман.

**— Билишимизча, чет эл сафарида бўлиб келгансиз. Шу ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтгансиз.**

— Университетимиз кўплаб чет эл университетлари, ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Буларга KOICAни мисол қилиб ўтмоқчиман. Ҳар ёзги таътилда Корея ва Хитойдан кўплаб волонтёрлар келади, мен улар билан кўп бор ўзаро билимлар алмашганман. Университетимиз Хитойнинг йирик компанияларидан бири HUAWEI билан ҳамкорликни йўлга қўйгач, компания томонидан малака алмашиш учун талабалар сараланди ва мен ҳам шу саралашдан ўтдим. Хитой Халқ Республикасининг Шенжен ва Пекин шаҳрига “Келажак ниҳоллари” (Seeds for the future) танловига малака алмашишга бордим. У ерда жуда кўп нарсаларни ўргандим. Барибир жаҳон тажрибаларини ўрганиш, айниқса, ўз кўзинг билан кўриш бошқача!

*Одамларнинг ички дунёсини кўзида, юзида акс эттириш жуда мароқли! Бу менга илҳом бағишлайди!*

**— Бугун барча соҳа вакилларида Time managment тушунчаси ошиб бормоқда, сиз ҳам бунга амал қиласизми?**

— Вақтни жуда қадрлайман, ҳар бир ҳафтамни олдиндан режалаштираман ва уни бузмасликка ҳаракат қиламан. Чунки бир кунингизни режалаштирмаган ишга бағишладингизми қолган ишингиз кейинга қолади. Ҳаракатлар янги ғояларни вужудга келтиради дейишади-ку! Шунинг учун ҳам доим ҳаракатда ва ҳар доим нимадир янгилик қилишни истайман. Хоҳ у ахборот технологиялари соҳасида бўлсин, хоҳ яқинларим даврасида...

**— Қандай одатларни ёмон кўрасиз?**

— Дангасаликни... Чунки дангаса инсон доимо ишлари юришмаса бировлардан айб қидиради. Доимо негатив фикрларни ўйлайди. Атрофимда шунақа инсонлар бўлишини, умуман, тенгқурларимнинг биортаси дангаса бўлишини хоҳламайман.

**— Тенгқурларингизга айтар сўзингиз?**

— Кўпроқ китоб ўқишларини тавсия қиламан. Доимо излансак, ҳар бир кунимизда нимманидир яратишга ҳаракат қилсак, юртимизнинг ҳам илмий, ҳам ишлаб чиқаришдаги салоҳияти ошиб боради. Ўз иқтидоримизни меҳнатларимиз орқали юзага чиқаришимиз керак. Ҳаётга доим янгича ижодий назар билан боқиш керак. Шунда янгидан-янги ғоялар, имкониятлар вужудга келади. Америкалик психолог, ёзувчи Роберт Кийосакининг бир китобида шундай жумлалар бор: Одамлар бор — нимманидир содир бўлишига сабабчи бўлади. Одамлар бор — нима бўлаётганини томоша қилади ва ниҳоят “Нима бўлди?” деб сўрайдилар. Биз айни нимманидир содир қилиш остонасида турибмиз. Бунинг учун эса ҳамма имконият ва шароитлар мавжуд.

**Ғуломжон НАЗАРОВ**
**суҳбатлашди**

# 2018 ЙИЛ 29 ЯНВАР — 4 ФЕВРАЛ КУНЛАРИ УЧУН

ТВ-дастурлар «UNIVERSAL-PRESS-MEDIA» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

# Xabar +tv



## ДУШАНБА — 29 ЯНВАР

**1**

04.00 "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Доброе утро".
07.50 "Поле чудес".
08.45 "Контрольная закупка".
09.10 "Жить здорово!"
10.05 "Модный приговор".
11.00 Новости.
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.30 "Давай поженимся!"
15.15 "Мужское / Женское".
16.05 "Время покажет".
17.00 Новости.
17.40 "На самом деле".
18.55 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Премьера. Павел Майков, Дарья Мороз в многосерийном фильме "Икра". 1-2 серии.
22.30 "Познер".
23.30 Владимир Машков, Александр Паль в многосерийном фильме "Налет". 1-2серии.
01.35 "Время покажет".
02.00 Новости.
02.05 "Время покажет".
02.40 "Модный приговор".

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Склифосовский"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30, 01.15 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Инспектор Купер"
21.35 Т/с "Последняя статья журналиста"
23.40 "Итоги дня"
00.10 "Поздняков"
00.20 Т/с "Свидетели"
03.15 "Таинственная Россия"
04.05 Т/с "Курортная полиция"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 12.00, 13.35, 16.15, 18.20, 21.55 Новости
09.05, 13.45, 19.25, 22.00, 01.00 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Биатлон. Чемпионат Европы. Одиночная смешанная эстафета. Трансляция из Италии
12.05 Биатлон. Чемпионат Европы. Смешанная эстафета. Трансляция из Италии
14.25 Хоккей с мячом. Чемпионат мира. Россия - Норвегия. Прямая трансляция
16.20 Футбол. Чемпионат Италии. "Рома" -"Сампдория"
18.25 Смешанные единоборства. ACB 79. Трансляция из Грозного
19.55 Футбол. Товарищеский матч. ЦСКА (Россия) - "Пяст" (Польша). Прямая трансляция из Испании
22.30 С/р "Олимпиада без НХЛ".
23.00 Профессиональный бокс. Всемирная Суперсерия. 1/2 финала. Майрис Бриедис против Александра Усика. Трансляция из Латвии
01.40 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины. "Зенит" (Санкт-Петербург) - "Нова" (Новокуйбышевск)
03.35 Х/ф "Двойной дракон".
05.05 Х/ф "Дневники баскетболиста".
06.40 Футбол. Кубок Англии. "Челси" - "Ньюкасл"

**КИНОХИТ**

03.05 Комедия "А как же Боб?"
05.20 Драма "Омерзительная восьмерка"
08.05 Драма "Умница Уилл Хантинг"
10.05 Драма "Громче, чем Бомбы"
11.45 Драма "Ураган"
14.05 "Больше, чем любовь"
15.45 Драма "Воскрешая чемпиона"
17.35 Комедия "Спецагент Корки Романо"
19.00 Драма "Крупная рыба"
21.00 Боевик "Любой ценой"
22.35 Триллер "Криминальное чтиво"
01.05 Драма "Токио!"

**ТВ3**

06.00, 05.45 М/ф
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 Т/с "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистически истории. Начало"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 Х/ф "Озеро страха 3"
00.45, 01.45, 02.30, 03.15, 04.00 Т/с "Скорпион"
04.45 "Тайные знаки"

## СЕШАНБА — 30 ЯНВАР

**1**

04.00 "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Доброе утро".
07.40 "Пусть говорят".
08.45 "Контрольная закупка".
09.10 "Жить здорово!"
10.05 "Модный приговор".
11.00 Новости.
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.30 "Давай поженимся!"
15.15 "Мужское / Женское".
16.05 "Время покажет".
17.00 Новости.
17.40 "На самом деле".
18.55 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Премьера. Павел Майков, Дарья Мороз в многосерийном фильме "Икра". 3-4 серии.
22.40 Владимир Машков, Александр Паль в многосерийном фильме "Налет". 3-4серии.
00.45 "Время покажет".
01.45 "Модный приговор".
02.00 Новости.
02.05 "Модный приговор".
02.50 "Давай поженимся!"

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Склифосовский"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30, 01.05 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Инспектор Купер"
21.35 Т/с "Последняя статья журналиста"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Свидетели"
03.00 "Квартирный вопрос"
04.05 Т/с "Курортная полиция"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.50, 16.45, 18.45, 20.50, 00.30 Новости
09.05, 13.55, 16.50, 21.00, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00, 23.30 Профессиональный бокс. Портреты соперников
11.30 Смешанные единоборства. Bellator. Лоренц Ларкин против Фернандо Гонсалеса.
13.20 "Сильное шоу"
14.25 Хоккей с мячом. Чемпионат мира. Россия - Финляндия. Прямая трансляция
16.15 С/р "Олимпиада без НХЛ".
17.20 Смешанные единоборства. Отобранные победы
18.50 Смешанные единоборства. UFC. Роналдо Соуза против Дерека Брансона. Реванш.
21.35 Профессиональный бокс. Всемирная Суперсерия. 1/4 финала. Дмитрий Кудряшов против Юниера Дортикоса.
22.30 Профессиональный бокс. Всемирная Суперсерия. 1/4 финала. Мурат Гассиев против Кшиштофа Влодарчика.
00.00 Д/ц "Утомлённые славой".
00.40 Мини-футбол. Чемпионат Европы. Россия - Польша. Прямая трансляция из Словении
03.10 Мини-футбол. Чемпионат Европы. Словения - Сербия. Трансляция из Словении
05.05 Х/ф "Влюблённый скорпион".
06.40 Профессиональный бокс. Всемирная Суперсерия. 1/2 финала. Майрис Бриедис против Александра Усика. Трансляция из Латвии

**КИНОХИТ**

02.50 Боевик "Книга Илая"
05.05 Детектив "Сломанные цветы"
06.45 Драма "Немыслимое"
08.15 Драма "Бар "Гадкий койот"
09.50 Триллер "Признания опасного человека"
11.35 Триллер "Джеки Браун"
14.05 Драма "На игле"
15.35 Драма "Девушка из Джерси"
17.10 Ужасы "Конец света"
19.05 Комедия "Братья Гримм"
21.00 Боевик "Дежавю"
22.55 Боевик "Идальго"
01.05 Драма "Лекарь: ученик Авиценны"

**ТВ3**

06.00 М/ф
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 Т/с "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистически истории. Начало"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 Х/ф "Озеро Страха 4"
00.45, 01.30, 02.15, 03.15 Т/с "Гримм"
04.00, 05.00 "Тайные знаки"

## ЧОРШАНБА — 31 ЯНВАР

**1**

04.00 "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Доброе утро".
07.40 "Пусть говорят".
08.45 "Контрольная закупка".
09.10 "Жить здорово!"
10.05 "Модный приговор".
11.00 Новости.
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.30 "Давай поженимся!"
15.15 "Мужское / Женское".
16.05 "Время покажет".
17.00 Новости.
17.40 "На самом деле".
18.55 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Премьера. Павел Майков, Дарья Мороз в многосерийном фильме "Икра". 5-6 серии.
22.40 Владимир Машков, Александр Паль в многосерийном фильме "Налет". 5-6 серии.
00.45 "Время покажет".
01.45 "Модный приговор".
02.00 Новости.
02.05 "Модный приговор".
02.50 "Давай поженимся!"

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Склифосовский"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30, 01.05 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Инспектор Купер"
21.35 Т/с "Последняя статья журналиста"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Свидетели"
03.05 "Дачный ответ"
04.05 Т/с "Курортная полиция"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.30, 16.45, 19.25, 20.50, 23.25, 00.20 Новости
09.05, 13.40, 16.55, 20.55 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Д/ц "Жестокий спорт".
11.30 Футбол. Чемпионат Англии. "Хаддерсфилд" - "Ливерпуль"
14.25 Хоккей с мячом. Чемпионат мира. Россия - Швеция. Прямая трансляция
16.15 "Автоинспекция"
17.25 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Локомотив" (Россия) - "Шомон" (Франция). Прямая трансляция
19.30 Д/ц "Утомлённые славой".
20.00 "Десятка!"
20.20 С/р "В Корею за золотом. Хоккейная сборная России на Олимпиаде-2018".
21.25 Футбол. Товарищеский матч. "Спартак" (Россия) - ЦСКА (София, Болгария). Прямая трансляция из Испании
23.30 С/р "34 причины смотреть Примеру".
00.00 С/р "Черышев против Черышева".
00.25 Журнал английской Премьер-лиги
00.55 Футбол. Чемпионат Англии. "Тоттенхэм" - "Манчестер Юнайтед". Прямая трансляция
02.55 Все на футбол! Трансферы
03.55 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Ястшембски" (Польша) - "Зенит-Казань" (Россия)
05.45 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Скра" (Польша) - "Динамо" (Москва, Россия)
07.35 Д/ф "Бегущие вместе".

**КИНОХИТ**

03.30 "Больше, чем любовь"
05.15 Драма "Ураган"
07.30 Драма "Крупная рыба"
09.30 Драма "Омерзительная восьмерка"
12.10 Драма "Воскрешая чемпиона"
13.55 Драма "Светская жизнь"
15.30 Комедия "Спецагент Корки Романо"
16.50 Боевик "Любой ценой"
18.30 Триллер "Криминальное чтиво"
21.00 Драма "Чем заняться мертвецу в Денвере"
22.50 Драма "Жестокие игры"
00.25 Драма "Женщины на грани нервного срыва"
01.45 Триллер "Признания опасного человека"

**ТВ3**

06.00, 05.45 М/ф
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 Т/с "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистически истории. Начало"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 Х/ф "Озеро Страха: Анаконда"
00.45, 01.45, 02.45, 03.45, 04.45 Т/с "Громкие дела"

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



Ёши ўтгани сайин инсоннинг қулоғи юқори частотали сигналларни эшитиш қобилиятини йўқотиб боради. Ҳатто чет элларда "ўсмирларни қўрқитувчи" қурилмалар ишлаб чиқарилган: улардан чиқадиган 18 килогерцли кескин ва ёқимсиз овоз тўполончи болаларни узоқроқда ўйнашга мажбур қиларкан — бу хотиржамликни хуш кўрувчи кексалар учун ўйлаб топилган. Аммо бугунги болалар ҳам анойи эмас. Ўзлари синфда ўтиришса ҳам ёши катта ўқитувчилари эшита олмайдиган мобил рингтонларни бемалол тинглайверишади.



**ЭШИТУВ СУЯКЧАЛАРИ — БОЛҒАЧА, САНДОН ВА УЗАНГИ ЖАМ БЎЛИБ МАНА ШУ БИР ТИЙИНДАН ҲАМ КИЧИК ЖОЙНИ ЭГАЛЛАЙДИ.**

**Одамларнинг 15 фоизи қулоғини қимирлатишни ўргана олиши мумкин экан.**




# "ЭШИТМАДИМ" ДЕМАНГ:

## ҚУЛОҚНИ АСРАНГ, ДЎСТЛАР!

**360 миллион**

*сайёрамиздаги шунча инсон яхши эшитмайдиганлар ва карлар сирасига киради. Ривожланаётган мамлакатларда бунинг бош сабаби — сурункали отит. Ривожланган мамлакатларда эса "қулоқни ишдан чиқариш"-га баланд овознинг узоқ таъсири сабаб бўляпти: бу завод ва фабрикада ишлаш натижаси ёки мусиқа тинглашга ҳаддан зиёд берилиш оқибати ҳам бўлиши мумкин.*

**Қулоқ учун 80 децибелдан юқори товушнинг узоқ давом этиши хавфлидир!**

**ТУРЛИ ОВОЗ МАНБАЛАРИ БАЛАНДЛИК КЎРСАТКИЧИ**



| | |
|---|---|
| 20 дБ | соат миллари, пичирлаш; |
| 35 дБ | шивирлаб сўзлашиш; |
| 50 дБ | ўртача баланд овозда сўзлашиш; |
| 65 дБ | баланд овозда сўзлашиш |
| 80 дБ | мотоцикл; |
| 95 дБ | метро вагони; |
| 110 дБ | вертолёт овози, саҳна олдидаги мусиқа товуши |

# "ЧАПАҚАЙ" ҚУЛОҚ...

Биз товуш манбаи йўналишини 3 даражагача аниқликда топа олиш қобилиятига эгамиз. Агар у чап томонда бўлса, чап қулоғимизга ўнг қулоғимизга қараганда сониянинг улушлари тезлигида олдинроқ етиб келади.

Мияда фақат ва фақат ҳар икки қулоқдан сигналлар бир пайтда етиб келганда қўзғалувчи нейронлар бор. Айнан бу нейронларнинг қайси бири фаоллашганига қараб, мия товушнинг қаёқдан келаётганини аниқлайди.

Товушнинг йўналишини аниқлашда ўнг ва чап қулоқларга келувчи сигналнинг баландлиги ҳам ёрдам беради. Аммо бу фақат юқори частотали сигналларга таааллуқли (товуш тўлқинлари узунлиги инсон боши ўлчамларига монанд бўлса).

Паст частотали товуш манбаини аниқлаш анча мураккаб иш — шунинг учун ҳам, масалан, биз қайси қўшнимиз перфораторда таъмирлаш ишларини олиб бораётганини ҳеч қачон била олмаймиз.

**Ёпиқ қулоқчинлар** *(наушниклар)* нисбатан хавфсиз, негаки қулоқ пардасига яқин бормайди, ташқи шовқинларни яхши тўсгани учун аудио овозини кўп оширишга ҳожат қолмайди. Бироқ уларни ҳам ҳам кунига **1,5-2 соат**дан кўп ишлатмаслик керак.



## ЭВРИКА

### БУЗУҚ СОАТ

Қоқ ярим тунда соат аниқ вақтни кўрсатиб турарди, аммо шундан сўнг ҳар соатда 4 дақиқага орқада қола бошлади.

Бир ярим соат олдин у тўхтаб қолди: ва ҳозир вақт 15:52 бўлганини кўрсатяпти. Бузуқ соат миллари 24 соатдан кўп юрмади.

**Аниқ вақтни топинг:** *соат неча бўлган?*

**(Жавоби келгуси сонда.)**

## КРОССВОРД



**ЭНИГА:** **10.** Тенгсиз. **11.** Пишлоқ нави. **12.** Ўзбекистон шимоли-шарқидаги плато. **13.** Швед футбол клуби. **14.** Микеланжелонинг касби. **15.** Ген. **18.** Қадимги Юнонистонда халқ йиғини. **19.** Монитор. **20.** Қимматбаҳо қоғоз. **22.** Юлдузлар. **24.** Санъат тури. **25.** Қадимги рус чолғуси. **26.** Букри қуён. **27.** Наполеон таваллуд топган шаҳар. **28.** Африка давлати пойтахти. **30.** Қандолат. **37.** Буюк бастакор. **38.** Узоқ Шарқ шаҳри. **39.** Боғловчи (сўз). **42.** Бразилиядаги шаршара. **43.** Лотерея. **44.** Мўйнали жонивор.

**БЎЙИГА:** **1.** Денгиз. **2.** Лаос пули. **3.** Кимёвий элемент, галоген. **4.** Курашдаги жарима. **5.** Авто-мото пойга. **6.** Ярим юк машинаси. **7.** Ўзбек чолғуси. **8.** Россия телеканали. **9.** ... Санчес (теннисчи). **16.** Меъморчилик. **17.** Батарея. **21.** Малайзиядаги порт-шаҳар. **23.** Волгабўйи шаҳри. **29.** Зебра тури. **31.** Бўшлиқ. **32.** Узоқ шимолда яшовчи халқ. **33.** Саман от. **34.** Боксда ёнлама зарба. **35.** Далил. **36.** Кескир асбоб. **40.** Юк автомобили русуми. **41.** Тафаккур.

## Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби

### *КИМ УЧ ТИЛДА СЎЗЛАШАДИ?*

*Меҳмонларнинг 10 нафари испанчани, 20 нафари италянчани, 25 нафари хитойчани билмайди. Шунинг учун икки тилни баравар билувчилар сони кўпи билан 25 нафар бўлади.*

*Бу уч тилда сўзлашувчилар сонини оширади, бироқ бизнинг саволимизда "энг камида" жумласи бор эди.*

*Шу боис, тахмин қилиш мумкинки, бу 10, 20, 25 киши — ҳар хил одамлар.*

*Агарда 55 киши бу тиллардан бирида гаплаша олмаслигини назарда тутсак, унда қолган 45 киши ҳар уч тилни билади.*



Google Play мобил дастурлар дўконида аудиокитоблар бўлими пайдо бўлади.

# Big Data ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАДИ

## ёхуд Салмоқли маълумотнинг салмоғи қанча?

◀ 1-бет.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири



### Маълумотлар 100 Гб.дан кўп бўлса

Мутахассислар фикрига кўра, Big Data, яъни салмоқли маълумот атамаси кунига 100 Гб.дан кўп маълумот тушадиган оқимларга нисбатан қўлланилган экан. Кейинчалик маълумотларнинг кескин кўпайиши оқибатида бу тушунча кенг қамров касб эта бошлаган. Ушбу атама одатда (терабайт, экзабайт ва петабайтлар даражасидаги) катта ҳажмдаги маълумотларга нисбатан қўлланилади.

Салмоқли маълумот атамаси илк бор матбуотда 2008 йили пайдо бўлган, ўшанда Nature журнали бош муҳаррири Клиффорд Линч ўз журналида катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишловчи технологиялар ёрдамида илм-фан келажагини ривожлантириш мавзусида мақола чоп этган. 2009 йилгача бу атамага фақат илмий таҳлил нуқтаи назаридан ёндашилар эди, аммо матбуотда шу мавзуда яна бир неча мақолалар чоп этилганидан сўнг Big Data тушунчасидан кенг фойдалана бошланди.

2010 йилда салмоқли маълумотларнинг ўсиб бораётган муаммоларини ҳал этиш учун дастлабки уринишлар бошланди. Улкан ахборотлар оқимидан фойдаланганда хавфларни камайтириш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишга киришилди.

2011 йилда Microsoft, Oracle, EMC ва IBM сингари йирик компаниялар салмоқли маълумотларга қизиқиб қолишди – улар ўз ривожланиш стратегияларида етарлича муваффақиятга эришиш учун Big Data ишланмаларидан биринчи бўлиб фойдаланишни бошлашди.

Олий таълим муассасалари салмоқли маълумотларни алоҳида фан сифатида ўргатишга 2013 йилдаёқ киришди – энди ушбу соҳа муаммолари билан нафақат маълумотлар ҳақидаги фан, балки ҳисоблаш объектлари билан бирлашган муҳандислик ҳам шуғулланади.

### VVV – ҳажм, тезлик, хилма-хиллик

Салмоқли маълумот атамаси орқали том маънода ҳар қандай ахборот ташувчида сақланаётган катта миқдордаги маълумотлар тушунилади. Бундан ташқари, бу миқдор жуда катта бўлиб, уни одатий дастурий ёки аппарат таъминотлари ёрдамида қайта ишлаш мумкин эмас, айрим ҳолларда эса умуман имконсиз.

Big Data — бу фақат маълумотларнинг ўзи эмас, балки уларни қайта ишлаш ва фойдаланиш технологияси, жуда катта оқим ичидан керакли ахборотни излаш услубидир.

Салмоқли маълумотлар билан ишловчи тамойиллар – Volume (ҳажм), Velocity (тезлик), Variety (хилма-хиллик) ифодалари ушбу атама билан чамбарчас боғланган. Бу бевосита сақланаётган ахборот миқдори, уларни қайта ишлаш тезлиги ва хилма-хиллигига боғлиқ жараёндир. Сўнгги пайтларда ушбу учта базавий тамойилга яна бири – ахборот қийматини англатувчи Value тушунчаси ҳам қўшилди. Яъни, маълумотни сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини оқлаш учун у назарий ёки амалий жиҳатдан фойдали ва керакли бўлиши шарт.

> **“Салмоқли маълумот тушунчаси катта ўлчамдаги ишларни бажара оладиган операторларга нисбатан ишлатилади. Мисол учун ҳозирда Google компанияси бир кунда бир петабайтдан ортиқ маълумотларни қайта ишлайди. Ушбу кўрсаткич АҚШ Конгресси кутубхонасидаги материаллардан 100 баробар кўпроқ дегани”**

### Салмоқли маълумотлар манбаи

Масалан, йирик маълумотларнинг оддий манбаи ижтимоий тармоқларни ўз ичига олиши мумкин – ҳар бир профил ёки оммавий саҳифа ўзида гўё ахборот океанидаги кичик бир томчини ифодалайди. У ёки бу профилда сақланаётган маълумотлар сонидан қатъи назар, ҳар бир фойдаланувчининг ўзаро ҳамкорлиги максимал даражада тез бўлиши керак.

Салмоқли маълумот амалда инсон ҳаётининг деярли ҳар бир соҳасида тўпланади. Бунга инсон фаолияти билан боғлиқ исталган тармоқни киритса бўлади. Бу ижтимоий оммавий ахборот воситалари ҳам, тиббиёт ҳам, банк иши ҳам, шунингдек, қурилмалар тизими, ҳар куни қабул қилинадиган кўп сонли ахборотлар натижалари ҳам, масалан, астрономик кузатувлар, метрологик маълумотлар ва Ерни тадқиқ қилиш қурилмаларидан олинган метрологик маълумот ва ахборотлар бўлиши мумкин.

Реал вақт тартибида турли кузатув тизимларидан олинган ахборотлар у ёки бу компания серверларига тақдим этилади. Телевидение ва радиоэшиттириш, мобил алоқа операторлари қўнғироқлар базаси — булар билан ҳар бир конкрет одам минимал даражада ўзаро мулоқот қилади, аммо ушбу барча ахборотлар умумлашган ҳолда салмоқли маълумотга айланади.

Салмоқли маълумотлар технологиясини илмий-тадқиқот фаолият ва бизнесдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, улар давлат бошқаруви соҳасини ҳам эгаллашни бошлади – ҳамма жойда янада кўпроқ самарали сақлов тизимини жорий этиш ва ахборотларни манипулиация қилиш талаб қилинмоқда.

### Амалда

Ер шарининг ҳар бир нуқтасида ўз мижозларига эга жаҳонга машҳур компаниялар (Facebook, Google ва IBM каби ижтимоий гигантлар, шунингдек, Master Card, VISA ва Bank of America каби молиявий тузилмалар) улардан фойдалангандан сўнг Big Data технологиясини замонавий дунё бозорига фаол татбиқ этиш бошланди. Масалан, IBM пул ўтказмалари операцияларида салмоқи маълумот услубидан фойдаланади. Мазкур услуб ёрдами билан ўтказмалардаги 15 фоиздан ортиқ қалбаки битимлар (товламачилик) аниқланган, ҳимояланган пул маблағлари эса 60 фоизга ошган. Шунингдек, тизимдаги ёлғон сигналлар билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинди — уларнинг сони ярмидан кўпроғига камайтирилди. VISA компанияси ҳам у ёки бу операцияда фирибгарликларни кузатиб бориш учун Big Data технологиясидан фойдаланади. Натижада улар ҳар йили 2 млрд.дан ортиқ АҚШ долларини "оқиш"дан сақлаб қолмоқда.

Германия меҳнат вазирлиги ишсизлик бўйича бериладиган нафақа тизимига салмоқли маълумот тизимини киритиб, харажатларни 10 млрд. еврога қисқартиришга муваффақ бўлди. Бу фуқароларнинг ҳар бешинчиси ушбу нафақани ҳеч қандай асоссиз олишига чек қўйилди, деганидир.

### Муаммолар

Салмоқли маълумотлар муаммоси шундаки, ўн йиллар давомида йиғилган турли ахборотлар ҳамон ҳар қандай тизим учун ўта муҳим ва очиқ бўлиб қолмоқда. Яна бир энг катта муаммоси уларни қайта ишлаш харажатларидир. Бунга қиммат асбоб-ускуналар, катта миқдордаги ахборотларга хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар иш ҳақи харажатларини ҳам қўшиш мумкин. Шубҳасиз, асбоб-ускуналар мунтазам янгиланиб туришни талаб этади, улар маълумотлар ҳажми ошиши жараёнида иш самарадорлигини йўқотмаслиги керак.

Учинчи муаммо яна қайта ишлаш талаб этиладиган кўп сонли ахборот билан боғлиқ. Масалан, тадқиқотлар 2-3 мартада эмас, балки кўп сонли ўрганишларда натижа беради, чунки қайсидир ҳодиса бўйича ҳақиқий таъсирга эга бўлиш учун маълумотларни умумий оқимдан ажратиш ва объектив баҳо бериш жуда қийин.

Ахборотни йўқотиш муаммоси. Эҳтиёт чоралари бир марталик оддий захира маълумотларни чекламасликни, сақловнинг камида 2-3та захирасини тайёрлашни талаб этади. Аммо, ҳажмнинг ошиб бориши захиралашни янада мураккаблаштиради – АТ-мутахассислар мазкур муаммонинг оптимал ечимини топишга ҳаракат қилишмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, технологиялардан яшириниб ололмаймиз. Big Data дунёни ўзгартиряпти, аста-секин шаҳримизга, уйимизга ва гаджетларимизга кириб бормоқда. Технология сайёрани қандай тезликда эгаллайди – айтиш қийин. Аммо, бир тушунча аниқ – "Клиника" сериалида Боб Келсо айтганидек, урф (мода)ни ушлаб қол ёки эскича яшаб ўтиб кет.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

*Мақоламизда Big Data тушунчаси, бу борадаги хориж тажрибаси ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Хўш, мамлакатимизда салмоқли маълумот тизими бўйича қандай ишлар олиб борилмоқда? Мавзуни давом эттирган ҳолда, ушбу саволга газетамизнинг келгуси сонида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази мутахассиси Пўлатжон ҚУРБОНОВнинг жавобини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

### ИНСОН ВА РОБОТ



## ФАБИОНИ НЕГА ИШДАН БЎШАТИШДИ?

Шотландиядаги Margiotta супермаркетида харидорларга нарсаларни танлашда ёрдамлашувчи Pepper роботи ишдан бўшатилди. Атиги бир ҳафта ишлаганди.

Сабаби – харидорлар... Улар Фабио (роботнинг лақаби) ўз ишини профессионал даражада уддалай олмаётганидан шикоят қилишди. Аслида темиртан дўкон молларини реклама қилиб, қайси нарса қайси бўлимда жойлашганини мижозларга етказиши керак эди. Гарчи аввалига бу ҳазилкаш робот келувчиларга ёқиб қолган бўлса-да, барибир ўз ишини унчалик ҳам қойиллатмасди: пиво сўраганларни алкогол бўлимига йўллар, пишлоқни эса совутгичдан қидириб кўришни маслаҳат берарди.

Бунинг устига, супермаркет сершовқин жой эмасми, яхши англамаганидан бир саволни қайта-қайта беришга тўғри келаётганди. Кейин уни "Гўшт" бўлимига ўтказишди. Аммо у уста сотувчиларга бас кела олмади.

Охир-оқибат Фабионинг ишидан қониқмаган раҳбарият уни синов учун тавсия қилган Хериот-Уатт университетига қайтариб юборишга мажбур бўлди. Аммо супермаркет ходимлари Фабиога шунчалик боғланиб қолишган эканки, уни кўзда ёш билан кузатиб қолишди.

### ТАФАККУР ЎЙИНЛАРИ

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АЙТГАНИНГИЗНИ ЧИЗАДИ

Microsoft компанияси сунъий интеллект базасида ишлаб чиққан технология матнга қараб расм чизади (масалан, тумшуғи калта, қора қанотли сариқ қушча).

GAN (Generative Adversarial Network) деб номланувчи бу технология машина ўқишнинг икки моделини бирлаштиради: бири матнга қараб расм чизса, иккинчиси унинг қанчалик ўхшаганига баҳо беради. Бу тандем расм сифатини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Матнни расмга айлантириш технологияси дизайнер ва рассомларга эскизлар яратишда қўл келиши мумкин. Лойиҳа муаллифларининг фикрича, катта ҳисоблаш воситалари жалб этилса, бу алгоритм сценарий бўйича анимацион филмлар яратиши ҳам мумкин экан.

### ХАВФСИЗЛИК

## КРИПТОХАКЕРЛАР БОШ КЎТАРИШДИ

Check Point Software Technologies антивирус компанияси қайд этишича, ўтган декабр ойи криптохакерлар ойи бўлди. Яъни, криптовалютолар майнинги учун зарарли дастурий таъминот жуда кўп тарқатилди. Жуда кўп...

Ҳисоб-китоблар 2017 йилнинг сўнгги ойида жаҳоннинг 55 фоиз компаниялари компютерларига ҳужум уюштирилганини кўрсатмоқда. Мазкур зарарли дастурнинг 10 тури энг фаол кибертаҳдидлар "ТОП-100"лигига, икки тури учликка кирди. Криптомайнерлардан фойдаланган хакерлар марказий процессор ёки видеокарта бошқарувини қўлга киритишмоқда ва уларнинг ресурсларидан криптовалюта ундириш мақсадида фойдаланишяпти.

### БОЗОР

## МОБИЛ ИЛОВАЛАР: БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН

Ўтган йилни сарҳисоб қилган App Annie компанияси шундай хулоса чиқарди: глобал фойдаланувчилар мобил иловаларга 86 миллиард доллар сарфлашди. Бу 2015 йилга нисбатан икки ҳиссадан ҳам кўп (+105 фоиз) ўсиш дегани. Жами 175 млрд. iOS ва Android илова юклаб олинди – бу 2015 йилгидан 60 фоиз юқори кўрсаткич.




2017 йили ҳар бир фойдаланувчи ўртача 1,5 ойни мобил иловаларга сарфлаган. Бир фойдаланувчи ойига ўртача ўзи ўрнатган қарийб 80та иловадан 40тасини ишлатмоқда. Ўз телефонларига илова ўрнатишда Хитой ва Япония фуқароларига етадигани йўқ: улардаги ҳар бир смартфонда 100дан ортиқ илова бор.

### ТЕХНОЛОГИЯЛАР




## ФЛИК – НИМА У?

Facebook компанияси овоз ва видеоқатор уйғунлигига эришиш учун вақтни фликларда ўлчашни таклиф қилмоқда.

Facebook Open Source лойиҳаси C++ дастурлаш тили учун яратган кутубхона кодга янги ўлчов бирлиги – фликни киритиш имконини беради. У аудио ва видеони аъло даражада синхронлаштириб беради.

Фликнинг ўзи нима? Уни 2016 йилнинг охирларида Facebook Open Source лойиҳаси ходими Кристофер Хорват ўйлаб топган. Флик сўзи "frame" (кадр) ва "tick" (ҳисоб) сўзларидан ясалган бўлиб, филм деб ҳам таржима қилиш мумкин. Бир фликнинг давомийлиги 1/705600000 сония ёки 1,417 наносекундга тенг.

Флик видео ва аудио ишлаб чиқиш учун керакли бўлган касрларни бутун сонларга айлантириб беради. Масалан, 1/24 сония – 29400000 флик, 1/120 сония – 5880000 флик, 1/44,1 сония – 16000 флик.

**С.ТЕМИРОВ тайёрлади**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## Эрдўған Трампни суриялик курдларни қўллашни тўхтатишга чақирди

АҚШ президенти Доналд Трамп Туркия президенти Ражаб Тойййиб Эрдўған билан телефон орқали мулоқотда Суриянинг Афринида зўравонлик авж олаётганидан хавотир билдирган. Трампнинг фикрича, юзага келган вазият АҚШ ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши билан боғлиқ хавфларга эга. Трамп Туркия хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилиш учун икки томонлама яқин ҳамкорликни таклиф қилган. Ўз навбатида, Эрдўған Трампни суриялик курдлар тузилмаларини қўллаб-қувватлашни ва уларга қурол етказиб беришни тўхтатишга чақирган.

## Ироқ парламенти умумий сайловлар санасини эълон қилди

Ироқ парламенти мамлакатда 12 май куни умумий сайловлар ўтказилиши ҳақидаги қарорни кўпчилик овоз билан маъқуллади. Манбаларнинг маълум қилишича, Ироқ парламенти, шунингдек, сайловолди кампанияси вақтида мамлакатдаги барча норасмий қуролли гуруҳларни қуролсизлантириш ҳақида ҳам қарор чиқарди. Бу қарорнинг ижроси масъулияти Ироқ парламенти зиммасига юклатилди.

## Архангелскда тарихий масжид очилади

Қарийб олти йиллик қайта таъмирлашдан сўнг 2 феврал куни Архангелск тарихий масжиди иш бошлайди.



Архангелск вилояти ҳудудий татар миллий-маданий мухторияти раиси Рим Калимуллиннинг таъкидлашича, 1931 йилдан бери жазони ўташ ҳудудий бошқармаси ихтиёрида бўлган масжид биноси Татаристоннинг биринчи президенти, ҳозирда давлат маслаҳатчиси Минтимер Шаймиев ва ўша пайтдаги Россия тараққиёт вазири Элвира Набиуллиналарнинг саъй-ҳаракатлари натижасида беминнат қайтариб олинган.

## Қозоғистонга бормай туринг!

Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги республика фуқароларига Қозоғистон ҳудудига ер усти транспортида вақтинчалик бормасликни тавсия қилди. Бу ушбу давлатда жуда кучли совуқ ҳарорат кузатилаётгани билан боғлиқ. "Қозоғистон Республикасининг баъзи туманларида кескин совуқ тушиши муносабати билан фавқулодда вазият жорий этилгани туфайли, биз Қозоғистон Республикаси ҳудудига ер усти транспортида об-ҳаво шароитлари яхшиланмагунга қадар бормасликни тавсия этамиз", – дейилади Тожикистон ТИВ хабарида.

## Шарқий Қуддус бўлажак Фаластин давлатининг пойтахти бўлиши керак

Иордания қироли Абдулла АҚШ вице-президенти Майк Пенс билан учрашув пайти шундай деди. Қирол Қўшма Штатларнинг Қуддусни Исроил пойтахти деб тан олишидан хавотирини билдирди ва Фаластин-Исроил зиддияти фақат "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосидагина ечим топиши мумкинлигини таъкидлади. "Биз Қуддус худди яҳудийлар каби мусулмонлар ва насронийлар учун ҳам муқаддас калит эканини биламиз. Бу ҳудуддаги тинчлик калитидир, мусулмонлар у орқали мутаассибликнинг асосий сабаблари билан курашиш имконига эга бўладилар", – деди Иордания қироли.



**У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади**


"Huawei"нинг янги технологияси смартфонларни 5 дақиқада қувватлайди.

# ТИББИЁТДА IoT-ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## Инсон умрини узайтириш имконияти жуда яқин

Усмонжон ТОЖИБОЕВ

***Бугун IoT-технологияларга асосланган жуда кўплаб лойиҳалар тиббиёт билан боғланган. Биз уларнинг бир неча энг қизиқарли ва муҳимлари ҳақида ёзишга қарор қилдик. Демак, бу сафар ҳам АКТ имкониятларидан унумли фойдаланаётган замонавий тиббиёт ҳақида гаплашамиз.***



***Американинг кўплаб шифохоналарида суткасига 24 соат ва ҳафтасига етти кун навбатчилик қила оладиган реаниматологлар етишмайди, аниқроғи, мамлакатда шунча мутахассиснинг ўзи йўқ.***

### Нарсалар интернети барчасини ўзгартиради

Замонавий тиббиёт сўнгги ўн йилликларда илгари эришиб бўлмайдиган даражага кўтарилди. Бугунги соғлиқни сақлаш тизими, бу – бир пайтлар умидсизликка тушган беморлар ҳаётини сақлаб қолаётган трансплантология ва травматология, пластик жарроҳлик ва онкология, нейрожарроҳлик, офталмология, гинекология ва бошқа соҳалардан иборат юқори технологик тармоққа айланди. Тиббиёт муассасалари техник асбоб-ускуналарининг сезиларли яхшиланиши натижасида касалликларни дастлабки босқичидаёқ тўғри ташхислаш ва бемор иш қобилиятини қисқа муддатларда тиклаш имконияти пайдо бўлди. Муолажалар давомида одатий эндоскопик аппаратуралар, микрожарроҳлик ва кўриш қобилиятининг лазер коррекцияси, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш кабилардан фойдаланиш турли туғма ва орттирилган нуқсонларни тузатишда оддий ҳолга айланди. Аммо, айрим муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ва уларни ҳал этиш учун нарсалар интернети (Internet of Things – IoT) ёрдамга келади.

***Тиббиётда нарсалар интернети каби инновацион технологиялар аста-секин бизнинг реал ҳаётимизга кириб бормоқда ва соғлиқни сақлашдаги кўплаб муаммоларни ҳал қиляпти. Буларнинг бари нафақат ҳаётимизни сақлаб қолиш, балки яқин келажакда инсоннинг ўртача умр кечириш кўрсаткичини ошириш имконини беради***



### Беморларни роботлар даволайди...ми?

Тиббиёт ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш нарсалар интернетининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу йўналишда алоҳида атамалар ҳам мавжуд – масалан, "Тиббий ашёлар интернети" ёки "Нарсалар интернети ва соғлиқни сақлаш". Тадқиқотчилар хомчўти бўйича, бир неча йилдан сўнг ушбу бозор ҳажми тахминан 117 миллиард долларни ташкил қилар экан.

Демак, бу 2020 йилга бориб, одамларни бемор ҳолати ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиладиган роботлар даволайди, деганими? Йўқ, ундай эмас. Даволаш билан аввалгидек марказлашган ҳолда мутахассислар – шифокорлар ва тиббиёт ходимлари шуғулланишади. Нарсалар интернети фақат улар ишини самарали бўлишига ёрдам беради. Ҳали бу технологиялар дунё бўйича кам қўлланиляпти, ривожланган мамлакатларда, асосан, АҚШда кенг татбиқ этилган.

### Кузатувчи бейжиклар

Florida Hospital Celebration Health саккиз йилдан буён клиника бўйича ходимлар ва беморларни кузатувчи бейжиклардан фаол фойдаланиб келмоқда. Тиббиёт ходимлари ҳаракатини кузатиш орқали, барчага қулай бўлиши учун, клиника ишини ташкиллаштириш, масалан, дори-дармон захирасидан иборат шкафларни қаерга жойлаштириш маъқуллигини таҳлилчилар яхши тушунишади. Клиника маъмурияти маълумотлар ёрдамида у ёки бу санитар ёки ҳамширани мунтазам кузатиб, ўз ишидан батамом чарчаганларини олдиндан аниқлаши мумкин ҳамда уларга ишини бироз ўзгартиришни, масалан, қайта тайёрлаш курсларига боришларини вақтида таклиф қила олади.

Бейжиклар клиника беморларига ҳам берилади. Қариндошини кўргани шифохонага келган одамлар доим электрон таблони кузатиб, бемори айни дамда қаерда – жарроҳлик хонасида, палатада ёки бошқа жойда эканлигини билиб олиши мумкин. Таблодаги маълумотлар бемор фамилияси қаршисида пайдо бўлади.

Баъзи клиникаларда бейжиклар тиббий инвентарларга ҳам ёпиштириб қўйилади. Бу орқали зарур буюмлар, масалан, дефибрилляторлар, инфузион насослар ва аравачаларни керакли пайтда дарҳол топиш мумкин.

### eICU – электрон палата

Американинг кўплаб шифохоналарида суткасига 24 соат ва ҳафтасига етти кун навбатчилик қила оладиган реаниматологлар етишмайди, аниқроғи, мамлакатда шунча мутахассиснинг ўзи йўқ. Шу боис, АҚШда интенсив терапия электрон палатаси – eICU жорий этилган. Оғир беморларни масофавий кузатувчи бу мониторинг маркази юзлаб километр масофадаги юзлаб беморлар учун биратўла хизмат кўрсата олади. Бемор кроватидаги мониторинг унинг аҳволи ҳақидаги маълумотларни марказ навбатчи реаниматологига автоматик тарзда юборади.

Мабодо жиддий вазият юзага келса – тревога сигнали чалинади. Юқори тасвирли камералар билан жиҳозланган палаталарда бемор диққат билан кўрикдан ўтказилади. Реанимотолог овозли алоқа ёрдамида беморга яқин жойлашган ходимларга кўрсатмалар бериши мумкин, яъни у қарор қабул қилади, ҳамшира ва санитарлар қарорни бажаришади. Тадқиқотлар бу каби марказлар ўлим даражасини камайтиришга ҳамда тиббиёт ходимлари учун харажатларни қисқартиришга ёрдам беришини кўрсатмоқда.

### Тараққиёт йўлидаги муаммолар

Айни дамда тиббиёт муассасалари кенг кўламли турли вазифалар, масалан, иш самарасини ошириш учун ходимларни доимий ишга қабул қилиш, иқлим меъёрларининг узлуксиз назоратини олиб бориш, шунингдек, беморлар жисмоний кўрсаткичларини кузатиш сингари IoT датчиклари ишлаб чиқарадиган катта ҳажмдаги маълумотлар муаммолари билан тўқнаш келмоқда. Ва бу муаммоларнинг барчаси – атроф-муҳит параметрларини доимий ва узлуксиз назорат қилиш ва ҳисоблаб боришни амалга ошириш, технологик жараёнлар, беморлар, ходимлар ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар мақоми ва ҳолати, тиббий маълумотлар "хомашёси" ва турли манбалардан олинган тадқиқотлар натижасини қайта ишлаш ҳамда керакли ахборотни схема, графика, жадваллар, маълумот экранлари шаклида топширишнинг комплекс ечимлари йўқлиги каби умумий сабабларга эга.

### Оддий одамлар

Кўплаб кекса одамлар хотира ва фикрлашнинг бузилиши билан тўқнаш келадилар, масалан, Алцгеймер хасталигида. Ушбу касалликка чалинганлар айрим ҳолларда ўз йўналишларини топишда қийналишади – тунда хонаси ёки палатасидан чиқиб, нима бўлаётганини англамаган ҳолда бино атрофида тентираб қолишади. Бу каби ҳолатларда улар йиқилиб жароҳат олишлари мумкин. Шу боис, уларнинг яқинлари тез-тез уйқу йўқотишади – доим бемордан хавотирланиб тонг оттиришади. Ўн олти ёшли Кеннет Шинокуза таклиф қилган иловани "тиббий буюмлар интернети" қаторига киритган ҳолда шу сингари беморларга ёрдам сифатида тақдим этса бўлади. Гап шундаки, у руҳий касалликдан қийналаётган инсон пайпоғига ёпиштириб қўйиладиган датчик ихтиро қилди. Бемор қачонки ўрнидан турса, қариндошининг смартфонига овозли сигнал келади. Шунингдек, Алцгеймер касаллигига чалинганларга ғамхўрлик қилиш учун инсонни харитадан топиб берувчи, унча катта бўлмаган рацияга ўхшаб кетадиган GPS қурилмасидан фойдаланилмоқда.

### Ёлғиз кексаларга ёрдам

Temboo компанияси келтирган маълумотларга кўра, АҚШда кекса ёшли одамлар фарзандлари билан эмас, балки кўпроқ мустақил яшашни исташмоқда. Аммо, улар доимий кўмакка муҳтож. Ёлғиз яшаётган ота-оналари, яқинларидан хавотирланаётган одамлар учун ушбу компания махсус қурилма ишлаб чиқди. Қурилма кроватга ўрнатиладиган ҳаракат датчиги ва микрофондан иборат. Датчик қариянинг ҳаракатлари ҳақида маълумот тўплайди ва одатий намуналарини ажратади – агар нимадир бирдан ўзгарса, унинг фарзанди ёки қариндоши смартфонига бу ҳақда хабар юборади. Микрофон эса қариянинг ёрдам чақириши учун керак.

Шундай қилиб, тиббиётда нарсалар интернети каби инновацион технологиялар аста-секин бизнинг реал ҳаётимизга кириб бормоқда ва соғлиқни сақлашдаги кўплаб муаммоларни ҳал қиляпти. Буларнинг бари нафақат ҳаётимизни сақлаб қолиш, балки яқин келажакда инсоннинг ўртача умр кечириш кўрсаткичини ошириш имконини беради.


BMW компанияси бир қувватланишда 700 километр йўл юра оладиган электромобилини сотувга чиқаради.

# ШОФИРКОН: ҲОКИМНИНГ ҲУДУДИДА АЛОҚА ҚАНДАЙ?

*Бугунги кунда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони туман миқёсида 754 нафарни, IPTV интерактив телевидение хизматларидан фойдаланувчилар эса 210 нафарни ташкил этяпти*

Шофиркон туманида, олтита қишлоқ телефон станциясидан унумли фойдаланиш билан бирга, замонавий алоқа воситалари хизматлари ҳам тўғри йўлга қўйилган: интернет, IPTV,..

Ўтган 2017 йилнинг тўртинчи чораги давомида туманнинг Дўрман, Ҳайдаробод, Мирзоқул ва Шодлик ҳудудларида ишга туширилган MSAN станциялари аҳоли ҳамда тадбиркорларни юқори тезликдаги интернет хизматлари билан таъминлади. Мирзоқул ва Шодлик мавзеларида янги намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган уйларда яшовчилар, албатта бундан мамнун. Дўрман ва Ҳайдаробод ҳудудларининг Темирчи ва Талисафед қишлоқларида истиқомат қилувчилар ҳам замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишмоқда.



Таъкидлаш ўринлики, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ҳудуд 4та секторга бўлиниб, ҳоким, прокурор, ички ишлар бўлими бошлиғи, солиқ идораси раҳбари бошчилигида фаолият олиб борилаётганлиги ўз самарасини беряпти. Аҳоли вакиллари, меҳнат фахрийлари, талаба-ёшлар иштирокида ўтказиб келинаётган учрашув, юзма-юз мулоқот ва сайёр қабуллар давомида аҳолига маданий-маиший, тиббий, коммунал хизмати кўрсатиш борасидаги, шунингдек, бандлик масаласи бўйича ечимини кутиб қолган муаммолар ижобий ҳал этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Хусусан, туман ҳокими бошчилигидаги 1-секторга қарашли Ҳайдаробод ҳудудида рўй бераётган туб ўзгаришлар, айниқса, мижозларга замонавий алоқа хизмати кўрсатишдаги юқорида тилга олиб ўтилган янгиликлар барчани мамнун этяпти. Мазкур йўналишлардаги бунёдкорлик ишларини 2018 йилда ҳам изчил давом эттириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони туман миқёсида 754 нафарни, IPTV интерактив телевидение хизматларидан фойдаланувчилар эса 210 нафарни ташкил этяпти.

**Асқар ИСТАМОВ,**
**"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири**

# "ҚАШҚАДАРЁЧА РАҚАМЛАШТИРИШ" РЕЦЕПТИ

*"Ўзбектелеком" АК томонидан республикамизда ишлаб чиқарилган кичик сиғимли коммутация қурилмалари олиб келингач, вазият буткул ўзгарди*

Республикамиз ҳудудларида соҳа ривожи йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.

Қарши шаҳрида 2003 йили "Huawei Techonologies Co. Ltd" компаниясининг "C&CO8" русумидаги электрон автоматик шаҳарлараро телефон станцияси қурилган эди. Кейинчалик рақамли автоматик шаҳарлараро телефон станцияси сиғими кенгайтирилиб, портлар кўпайтирилади. Хитойнинг "Тараққиёт банки" кредити ҳисобидан 2008 йили умумий сиғими 27584 абонент рақамидан иборат "C&CO8" русумидаги янги рақамли телефон станцияларини такомиллаштириш бўйича ҳам кўп иш қилинди. Натижада Шаҳрисабз ва Бешкент шаҳарларидаги марказий HOST станцияларига туман станциялари боғланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ортди.

Қарши ва Термиз шаҳарлари оралиғида халқаро оптик толали кабелли алоқа линияси қурилиб, ишга туширилиши билан шу трасса йўналишидаги Ғузор, Деҳқонобод ва Қорашинадаги янги рақамли АТСлар бу линияга уланди. Вилоятда минтақавий оптик толали кабелли алоқа линияси маҳаллий мутахассислар ва хитойлик ҳамкорлар ёрдамида қурилган эди. Уларга Тошкент ахборот технологиялари университети, унинг Қарши ва Самарқанд филиаллари талабаларидан тузилган "Бунёдкор ёшлар" меҳнат жамоалари ёрдамлашди.

Шуни унутмаслик керакки, аввалари қишлоқлардаги АТСларнинг аксарияти муқобил турда бўлиб, маънан эскирган, сифати паст эди. Аммо "Ўзбектелеком" АК томонидан республикамизда ишлаб чиқарилган кичик сиғимли коммутация қурилмалари олиб келингач, вазият буткул ўзгарди. Қишлоқларда сиғими 112, 160, 208 рақамдан иборат "Коинот Эл-СГМ" рақамли коммутация қурилмалари ўрнатилди. Улар олдинги АТСларга нисбатан анча ихчам, ҳажми кичик, шовқинсиз ишлайди. Натижада одамлар замонавий телефон алоқасидан баҳраманд бўла бошлашди. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва аҳоли хонадонларига интернет тармоғини олиб кириш, электрон маълумот узатиш, видео-аудио конференциялар ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Вилоят аҳолисига юқори тезликдаги интернет хизмати (ADSL) кўрсатила бошлаганига кўп вақт бўлмаса-да, айни пайтда минглаб абонентлар бу хизматдан фойдаланмоқда. Эскирган "Alcatel S-12" станциялари NGN технологияси талабига жавоб бера оладиган MSAN телекоммуникация қурилмаларига алмаштирилди. Вилоят туманларига кенг полосали, юқори тезликдаги интернет FTTx технологияси воситасида олиб кирилди.

Ҳозирги кунда Қарши шаҳри аҳолиси ва ташкилотлари ҳам компаниялар томонидан кўрсатилаётган замонавий алоқа хизматлари, хусусан, телефон, телеграф, интернет, IPTV имкониятларидан баҳраманд бўлаётир. Бунда кейинги йилларда телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва кенгайтириш доирасида янги NGN технологияси асосида Қарши шаҳри телекоммуникация тармоғида MSAN ускуналари ишга туширилгани, айниқса, қўл келди. Бинобарин, ўтган даврда Қарши шаҳри аҳолисига IP-телевидение, юқори тезликдаги интернет хизматлари кўрсатиш мақсадида кўп қаватли уйларга оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Пировардида замонавий рақамли тизимга маълумотлар узатиш, сифатли алоқа тармоғи, телевидение ва интернетдан фойдаланишда бир қатор қулайликлар яратилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**
**"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири**

# ЖИЗЗАХДА "Call Center"га ТАЛАБ ОРТМОҚДА

*"Call Center" интеллектуал хизматларига кундан-кунга қўнғироқлар сони ошиб бормоқда*

"Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали томонидан вилоятда аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиляпти. "Call Center" интеллектуал хизматларига кундан-кунга қўнғироқлар сони ошиб бормоқда.

— Бу ҳолат шуни кўрсатадики, "Call Center"нинг мижозлар билан ишлаш, уларга сифатли ва замонавий, ҳар томонлама қулай ҳамда тезкор хизматлар кўрсатиши янада ошиб бормоқда, — дейди "Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Атҳамжон Абдуллаев.

Тармоқни янада кенгайтириш мақсадида вилоятимизнинг 12 ҳудудига MSAN қурилмалари ўрнатилди ва аҳолига кенг полосали телекоммуникация хизматларидан унумли фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди. MSAN қурилмасини ўрнатиш учун 23,76 километр ОТАЛ тортилди. Шу билан бирга, вилоятда FTTx тармоғини кенгайтириш учун 40 километрдан зиёд оптик толали алоқа линияси тортилди. "Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали томонидан ўтган йилнинг январ ойидан Uzmobile-GSM мобил алоқа хизмати сотуви йўлга қўйилди. Унга абонентларнинг талаблари кундан-кунга ошиб бормоқда.

Тармоқни кенгайтириш, муаммоларни ўрганиб, ўз вақтида бартараф этиш мақсадида вилоятдаги аҳоли масканлари — МФЙ ва ҚФЙларда дастур асосида манзилли ўрганишлар, сайёр қабуллар ташкиллаштириляпти. Филиал раҳбарлари, техник ва тижорат директорлари режа асосида халқ билан сайёр қабуллар ўтказмоқдалар.

**Норқул МАЪМУР,**
**"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги мухбири**


Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг икки нафар талабаси "Shinhan" банкининг стипендиясини қўлга киритди.



## "ONLINE MARKET" — АҲОЛИ УЧУН ФОЙДАЛИ ДАСТУР

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг бир гуруҳ илмий изланувчилари томонидан аҳолининг кенг қатламига учун жуда фойдали бўлиши кутилаётган янги дастур — "Online market" дастурий таъминоти яратилди.

Дастурий таъминот воситасида республикамиз ва хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни интернет тармоғи орқали сотиш ва сотиб олиш мумкин. Дастур функционал равишда онлайн тизимда маҳсулотлар номларини киритиш, хизматларни реклама қилиш, товарларни онлайн харид қилиш ёки улар ҳақида батафсил маълумот олиш, шунингдек, уларни тури ва нархига кўра гуруҳлаш имконини беради. Ушбу дастурдан мамлакатимиздаги бозорлар фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш учун, шунингдек, барча турдаги кичик ва хусусий бизнес вакиллари ўз фаолиятларида унумли фойдаланишлари мумкин.

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан дастур ижодкорлари — У.Исматов ва У.Рустамовга DGU 04841 рақамли гувоҳнома топширилган.

# КУТУБХОНАЧИЛАР ЙЎЛГА ОТЛАНИШДИ

## Жиззахда 16та кўчма кутубхона ишлаяпти



Китоб — эзгуликка, яхшилик оламига етакловчи, онгимизни, фикримизни чархловчи ва покловчи хазина. Китобсиз маънавият, маданият, маърифат, ҳатто миллатнинг адабиёти ҳам бўлмайди. Шу тафаккур чироғини ёқишда, албатта, ахборот-кутубхоналар ходимлари фидойилик, ғайрат-шижоат кўрсатишлари лозим бўлади.

Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот-кутубхона марказида бугун 7та бўлим, 4та сектор фаолият юритмоқда. Ахборот-кутубхона фонди 108738тани ташкил этади. АКМ жамғармаси ўтган йили 24 номдаги 1008 нусхадаги газеталар, 15 номдаги 103 нусхадаги журналлар ва 280 номдаги 1840 нусхадаги адабиётлар билан бойитилди.

Булардан ташқари, АКМга мажбурий нусхалар орқали нашриётлардан 48 нусхадаги адабиёт, 251 нусхада газеталар, алмашинув-резерв фондига 2722 адабиёт олинган.

Шунингдек, кутубхоналараро китоб алмашинуви йўлга қўйилган бўлиб, бу туфайли 1138 нусхадаги адабиётлар китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Россия кутубхоналари билан ҳамкорликдаги битимга асосан қадам ташланмоқда. Натижада халқаро китоб алмашинуви йўлга қўйиляпти.

АКМ хизмат кўрсатиш бўлимлари томонидан 16та кўчма кутубхона ташкил этилган бўлиб, улар 350 номдаги бадиий, ижтимоий, тарихий, маърифий адабиётлар ҳамда газета ва журналлар билан таъминланиб, алмаштириш жараёни тезлаштирилмоқда.

> **Тафаккур чироғини ёқишда, албатта, ахборот-кутубхоналар ходимлари фидойилик, ғайрат-шижоат кўрсатишлари лозим бўлади**

Вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Бахмал, Ғаллаорол туманлари мактаб ва коллежларида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудлари муносабати билан шеърият байрамлари, китобхонлик кечаларини мунтазам ўтказиб келяпти.

Ахборот-кутубхона маркази ўқув зали сектори кутубхоначиси В.Ҳазратқулова, жамғармани бутлаш бўлими бошлиғи В.Шаҳобиддинова, илмий-услубият бўлими мудираси Н.Жабборова, Ё.Ашурова ва Б.Пўлатова каби кутубхоначилар ўзгаларга ибрат бўлиб меҳнат қиляптилар.

Неча-неча қалбларга нур улашаётган жиззахлик кутубхона бекаларига зиё улашишдан асло чарчаманг, тафаккур чироғи мангу порлашига доимо сарбонлик қилинг, дегимиз келади.

**М. НОРҚУЛОВ**

## ЭЪЛОН!

## Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"ORIGINAL ORIENT GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2015 йил 4 ноябрда берилган АА серияли 0005726 рақамли;

"BEST BUILDER" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2016 йил 29 январда берилган АА серияли 0005766 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 22 январдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганлиги учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун:

"DATANET PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2013 йил 29 июлда берилган АА серияли 0004746 рақамли;

"DATANET PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (радиотелефон, транкли) алоқа тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2013 йил 29 июлда берилган АА серияли 0004747 рақамли;

"TEN HAMKOR LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2013 йил 16 сентябрда берилган АА серияли 0004802 рақамли;

"TEN HAMKOR LOYIHA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2013 йил 16 сентябрда берилган АА серияли 0004803 рақамли;

"OPTIC TELECOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вил.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 16 сентябрда берилган АА серияли 0005972 рақамли;

"AIR POST SERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2015 йил 6 октябрда берилган АА серияли 0005682 рақамли;

"SKY NETWORKS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2015 йил 19 октябрда берилган АА серияли 0005704 рақамли;

"INFOSYS TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 4 октябрда берилган АА серияли 0005993 рақамли;

"SVYAZ AVTOMAT MONTAJ" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2016 йил 7 ноябрда берилган АА серияли 0006018 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 23 январдан 10 иш кунига тўхтатилди.

## ФАОЛ ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ёшлар иттифоқи етакчиси Умид Абилов, спорт йўналиши етакчиси Жасур Баҳодиров, қизлар билан ишлаш йўналиши етакчиси Ҳусния Салимова бошчилигида талаба ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт мусобақалари ташкил этилди. Университет 1-талабалар тураржойида старт олган спорт мусобақалари 4-талабалар тураржойида ниҳоясига етди.

Мусобақаларда университет қизлари шахмат, шашка ва стол теннисси бўйича беллашдилар. Якунда шахмат бўйича Ирода Исматова биринчи ўринни қўлга киритди. Нигора Ғаниева ва Гулзира Ҳамроқуловалар эса стол теннисси ва шашка турларида ғолиб бўлди.

Тўртинчи талабалар тураржойидаги беллашувларда эса ёшлар қўл жанги, стол тенниси, шахмат ва шашкада ўз кучларини синаб кўришди. Қизиқарли тус олган мусобақа ғолиблари аниқланди ва университет Ёшлар иттифоқи томонидан тақдирланди.

Тадбир якунида барча ғолибларга ташкилотчилар эсдалик совғалари топширишди.

***Гулноза ТУРОБОВА,***
**ТАТУ ахборот хавфсизлиги факультети талабаси**

## ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2015 йилда Мунаввархон МУМИНОВА номига берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Хоразм вилояти Электромагнит мослашув хизмати жамоаси меҳнат фахрийси
**Отабой САЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.


АТ "Алоқабанк" томонидан "Автокредит" истеъмол кредити жорий қилинди.

# УЛУҒ СИЙМО НОМИ БАРҲАЁТ

*Давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, миллий қадрият ва урф-одатларимиз, муқаддас динимизнинг халқимизга қайтарилиши, одамларимиз онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришларда Ислом Каримовнинг хизматлари катта. Шу боис улуғ сиймо номи барҳаёт*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳамда ҳудудий бўлинмаларида маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Инспекция марказий аппаратида навбатдаги шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда инспекция бошлиғи вазифасини бажарувчиси А.Избосаров Биринчи Президентимизнинг буюк жасорати туфайли мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши, тарихан қисқа даврда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилган улкан ислоҳотлар хусусида сўз юритди.

Тадбирга таклиф этилган математика фанлари доктори С.Муҳаммадқуловнинг Биринчи Президентимиз шахси билан боғлиқ хотиралари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. У мустақиллик арафасидаги мураккаб вазият, оғир иқтисодий аҳвол, бу жараёнда И.Каримов томонидан узоқни кўзлаб юритилган оқилона сиёсатни ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди. Шунингдек, ёшларга Биринчи Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобини синчиклаб ўрганиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бу асарда халқимиз бошидан кечирган оғир кунлар, Ислом Каримов жасорати акс этган.

Мазкур маърифий тадбирда инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари ходимлари видеоконференцалоқа орқали иштирок этди. Улар маърузачига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди ва мазмунли суҳбат учун миннатдорлик билдиришди.

Қайд этилганидек, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, миллий қадрият ва урф-одатларимиз, муқаддас динимизнинг халқимизга қайтарилиши, одамларимиз онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришларда Ислом Каримовнинг хизматлари катта. Шу боис улуғ сиймо номи барҳаёт.

**Инспекция матбуот хизмати**

## НУҚТАИ НАЗАР

# ОРЗУЛАРИМИЗ ҚАРШИСИДАГИ ТЎСИҚ



**Лутфилло ТУРСУНОВ**

Инсон доим орзу билан яшайди. Айниқса, болаликдаги орзуларимизнинг сон-саноғи йўқ. Гарчи улар тез-тез ўзгариб турган бўлса-да, аслида ҳаётимизда бизга ҳамроҳ, йўлчи юлдуз шу орзуларимиз эмасми? Эришажак барча натижаларимиз шу истак ортида яширинмаганми?

Афсуски, баъзида орзу қилишдан чўчиб қоламиз. Хатто нафақат ўзи, фарзандининг орзуларидан қўрқадиган, унга тўсиқ бўладиган ота-оналар бор. "Космонавт бўламан" деб баралла айтган болакай жеркилса, президент бўламан деганида шашти сўндирилса, у орзу қилишдан қўрқиб қолмайдими?!

"Америка орзуси" ҳақида кўп эшитганмиз. Бу шунчаки баландпарвоз ибора эмас. "Америка орзуси"нинг ортида, албатта, кўпроқ пул топиш истаги ётар, аммо бунда лотереядан катта ютуқ ютиш, кўчадан хазина топиш ёки давлатнинг моддий кўмагига таяниш каби тушунчалар йўқ. Америкаликлар бир ҳақиқатга қаттиқ ишонч билан қарашади: ўз билими, ҳиссиётига таяниб исталган мақсадга етишиш мумкин! Бу орзу — кичик бўлсада, лекин ўзининг қандайдир шахсий ютуғига эришиш истагига сингиб кетган.

Америка филмларида бадавлат кишиларнинг фарзандлари шахсий ютуғи учун ота-онаси меросидан воз кечганини кўриб ҳайрон қоламиз. Бу каби ҳолатлар фақат киноларда эмас, ҳаётда ҳам рўй беради. Масалан, Ҳолливуд киноюлдузи Николас Кейж ўз кучи билан муваффақият қозониш учун машҳур бобоси Фрэнсис Форд Копполадан мерос Коппола фамилиясидан воз кечади. Аслида бу ном уни шуҳратга тезроқ элтиши мумкин эди, лекин у машҳур фамилия ортидан танилишни эмас, ўз иқтидори билан ном қозонишни йўлини танлади. Буни уддалади ҳам. Орзу бу — ютуқ. Бунда муваффақиятга эришиш жараёни ютуқнинг ўзидан-да каттароқ аҳамият касб этади.

Албатта, агар америкаликларга тадбиркорлик учун эркин бозор ва иқтисодиёт муҳити тақдим этилмаганида муваффақиятга эришиш орзуси бунчалик кенг — миллий феномен даражасига чиқмаган бўларди. Агар америкаликлар ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар, "чўққи"га чиқа олишини тушуниб етишмаганида, шахсий ютуқ ҳақидаги орзулари бу даражада оммавий тус олмаган бўларди.

Тадбиркорлик, тадқиқотлар, инновациялар ва яратувчанлик ниҳоятда жозибали, эҳтиёжлар-

> Ҳар бир киши орзу қилишга ва унинг рўёби сари интилишга ҳақли. Фақат эртанги натижаларга бугунги шубҳалар тўсиқ бўлмаса бўлгани

ни қондирувчи эканини кузатишар экан, америкаликлар яхши ҳаёт йўли қаерда эканини тушуниб етишди. Бунда гап фақат пулда ҳам эмас. Американинг энг бой одамлари ҳақида қизиқиб кўринг, уларнинг аксарияти ўз миллиардларига нолдан — ақл ва меҳнат, интилиш ва технологиялар кўмагида эришган.

Технологияларнинг инсониятга берган инъоми шуки, энди орзуларни рўёбга чиқариш учун Америкага бориш шарт эмас. IT-технологиялар масофаларни қисқартириб юборди. Шу ердан туриб ҳам билим ва иқтидорга таяниб кўп ютуқларга эришиш мумкин. Буни минглаб ёшларимиз исботлашяпти ҳам. Фақат бу бизда ҳали оммавий тус олгани йўқ. Ҳамон эски қарашлардан — "таниш-билишчиликсиз иш битмаслиги-ю, отамиз амалдор бўлмаса, ҳеч вақога эриша олмаслигимиз" касаллигидан қутула олмаяпмиз. Ҳолбуки, XXI аср — технологиялар асрида яшаяпмиз...

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда "Ўзбектелеком" АК яқинда бир ташаббусга қўл урди. Иқтидорли волонтёрлар кўмагида кам таъминланган оилалар ҳамда қийин шароитли ёшларга компютер саводхонлиги ва инглиз тили бўйича махсус курсларни ташкиллаштиришга киришилди. "Ўзбек орзуси" деб ном олган бу лойиҳа аллақачон ўз мақсади сари илдам қадам ташлашни бошлади. Ташаббусни таниқли тадбиркорлар ҳам қўллаб-қувватлашяпти. Бу имкониятдан фойдаланиш, фаол иқтидорли ёшлар кўмагида орзуларни рўёбга чиқариш имкони бор.

АҚШнинг 32-президенти Франклин Рузвелт бир гапни такрорлашни ёқтирар экан: "Эртанги режаларимизни амалга оширишда ягона тўсиқ бугунги шубҳаларимиздир!"

Ҳар бир киши орзу қилишга ва унинг рўёби сари интилишга ҳақли. Фақат эртанги натижаларга бугунги шубҳалар тўсиқ бўлмаса бўлгани.

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шерзод ШЕРМАТОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ҚОДИРОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Лутфилло ТУРСУНОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-143 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 8911 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | (0365)600-87-21 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 291-43-28 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |

1 3456